

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ**

**Тарих факултети IV курс толиби
Алманов Жасур**

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ***

**Мавзу: V-VII асрда Суғда ҳунармандчилик ва савдо
сотиқнинг ривожланиши**

Илмий раҳбар:

т.ф.н.доц.А.Пардаев

Такризчилар:

Ушбу БМИ “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг «____» _____даги «____» _____сонли
мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган

Жиззах – 2011

МАВЗУ: V-VII АСРДА СУҒДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО СОТИҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Р е ж а:

Кириш

I-БОБ. V-VII АСРЛАРДА СУҒДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

- 1.1. Суғд ҳунармандчилиги ва савдо – иқтисодий алоқаларига доир ёзма манбалар тавсифи
- 1.2. Суғдда ҳунармандчилик ривожининг омиллари ва хусусиятлари
- 1.3. Суғдда ҳунармандчилик маҳсулотлари турлари

II-БОБ. СУҒДА ИЧКИ САВДО-СОТИҚ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

- 2.1. Ички савдодаги пул муомаласи ва товар – пул муносабатлари
- 2.2. Суғдга олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар таснифи
3. Савдо – транзит йўллари ва ташқи иқтисодий алоқалар ривож

III-БОБ: “V-VII АСРДА СУҒДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО СОТИҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ” мавзусини ўрганиш усуллари

- 3.1. Мавзуни ўрганишда таълимнинг ноанъанавий усулларида фойдаланиш.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, тарихий - маданий тараққиёти жараёнларини ҳолисона ўрганишга долзарб муаммо сифатида эътибор кучайди. Бу муаммолар фақатгина илмий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки миллий ғоя ва мафкура тушунчаларининг таркибий қисми сифатида халқнинг, миллатнинг ўзлигини англашида катта ёрдам беради. Зотан, “Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”¹.

Мамлакатимиз ҳудудида қадимдан истиқомат қилиб келган аҳоли инсоният тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган, зеро, Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек: “Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда”². Айни пайтда, давлатчилигимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жараёнлари, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий алоқалардаги иштироки тарихини ўрганиш халқимизнинг бой ўтмишини ёритишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон тарихий тараққиётининг илдизлари қадимги даврларданок шаклланиб, ривож топиб келган ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотиқ алоқалари ривожини билан бевосита боғлиқ бўлиб, илк ўрта асрлар даврида ўзининг энг ривожланган босқичларига кўтарилган, айни вақтда инқирозли жараёнларни ҳам бошдан кечирган. Ўз даврида дунё халқлари маданиятлари ҳамкорлигида ўзига хос “кўприк” вазифасини бажарган, бугунги кунда ўз аҳамиятини қайта тиклаган Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Суғднинг илк ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари юксак тараққий этган.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи.-Тошкент: Шарқ,1998.-Б. 9.

² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият,2008.-Б. 30.

Суғд цивилизациясининг асосини ташкил этган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо-иқтисодий алоқалар ривожини тадқиқ этишга кўплаб тадқиқотчиларнинг эътибори қаратилган бўлса-да, Суғднинг илк ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари махсус диссертациявий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Зеро, бугунги кунга қадар тарих фанининг муҳим тармоқлари бўлган манбашунослик таҳлиллари ҳамда археология соҳасида мамлакатимиз ҳудудида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бу тадқиқотлар давомида қўлга киритилган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши намуналари ва улар асосида чиқарилган илмий хулосалар мазкур давр Суғд ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари тарихини алоҳида тадқиқ этишни тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғднинг тарихий-маданий мероси XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар тарихимизнинг сирли жумбоғи бўлиб келди. XIX аср иккинчи ярмидан эътиборан фан доирасидаги манбалар асосида бир қатор илмий тадқиқотлар юзага келди. Ушбу жараён билан боғлиқ ҳолда Суғднинг ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқаларига доир тарихнавислик бошланди. XX асрнинг биринчи ярмидан бошланган археологик тадқиқотлар ҳунармандчилик соҳалари ривожига доир муҳим илмий хулосалар чиқариш имконини берди.

Суғд ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқаларини тадқиқ этиш жараёнида мавзуга доир кўплаб илмий асар ва тадқиқот натижалари таҳлил қилинди. Бу манбалар шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиб ўрганилди:

- 1) Мавзуга доир ёзма манбалар манбашунослиги;
- 2) XIX асрнинг сўнгги чорагидан буён олиб борилаётган археологик қазишмалар тарихшунослиги;
- 3) Археологик қазишмалар давомида қўлга киритилган турли ҳунармандчилик маҳсулотлари устида амалга оширилган тадқиқотлар тарихшунослиги;
- 4) Нумизматик тадқиқотлар таҳлили.

Мавзу режаси юзасидан муаммонинг ўрганилганлик даражаси мазкур тадқиқотнинг тарихшунослик ва манбашунослик (1) бобида махсус тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. “Суғднинг илк ўрта асрлар даври хунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари” мавзусини тадқиқ этишда диссертант мамлакатимиз тарихий тараққиётида муҳим ўрин тутган Суғд хунармандчилиги, ички ва ташқи савдо-иқтисодий алоқалар тарихини мавжуд ёзма ҳамда археологик маълумотларнинг қиёсий – илмий таҳлили асосида атрофлича ўрганиш ва ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу мақсадни амалга оширишда қуйидагилар асосий вазифа сифатида белгилаб олинди:

- Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ёзма манбалар, археологик ва нумизматик тадқиқот материалларини умумлашма тарзда тадқиқ этиш;
- Хунармандчилик ишлаб чиқариши соҳаларининг ривожланиш жараёнларини ёритиш;
- Хунармандчилик маҳсулотлари таснифи(классификацияси)ни тадқиқ этиш;
- Ички ва ташқи савдо алоқалари ҳамда бу алоқалардаги пул хўжалиги ва товар-пул муносабатларини таҳлил этиш;
- Минтақавий ва халқаро савдо-транзит йўллари ҳамда улардаги савдо-иқтисодий жараёнларни таҳлил этиш.

1 БОБ. V-VII АСРЛАРДА СУҒДА ХУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

1.1. Суғд хунармандчилиги ва савдо – иқтисодий алоқаларига доир ёзма манбалар тавсифи

Суғд – Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашган қадимги тарихий-маданий ўлкалардан бири бўлиб, табиий – географик жиҳатдан минтақанинг икки йирик сув ҳавзалари - Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини ишғол этган. Ўлка географик жиҳатдан шарқда Зарафшон тоғларидан ғарбда Қизилқум саҳросигача қарийиб 488 км., шимолда Қатвон даштларидан жанубда Темир Дарвозагача 224 км.¹ни ишғол этади. Зарафшон дарёси дастлабки манбаини Тянь-Шан тоғларидан олади, унинг умумий узунлиги 781 км.ни ташкил этади. Воҳанинг умумий майдони - 41 860 кв. км.дан иборат бўлиб, табиий жиҳатдан – Тоғли Зарафшон, Ўрта Зарафшон ва Қуйи Зарафшон каби қисмларга бўлинади. Қашқадарё қарийиб, 300 км узунликка эга бўлиб, ҳавзанинг умумий майдони – 28 400 кв. км.дан иборат². Ўтмишда бир неча бор дунё цивилизацияси марказига айланган ўлка араб босқинига қадар Суғдиёна ҳамда Суғд номлари билан аталган.

XX асрнинг 50-60-йилларида манбашунослик соҳаларида муҳим тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, илк ўрта асрлар даври Суғд тарихига доир муҳим манба ҳисобланган, IX-X асрларда битилган араб географлари асарлари, хусусан, Ибн Ҳавқалнинг “Масофалар ва мамлакатлар” асарининг Ўрта Осиё ҳақидаги қисмлари рус тилига, Бухоро Суғдига доир Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари ўзбек тилига таржима қилинди. Бу тадқиқотлар Суғд хунармандчилиги ривожини омиллари ҳамда пул хўжалигига доир муайян маълумотлар олиш имконини берди. Айнан ушбу даврда Шарқий Туркистон ва Еттисув ҳамда Мўғулистон ҳудудларида аниқланган кўҳна турк-руний манбалар ҳам тадқиқ этилиб, илмий муомалага киритилди.

¹ Ўзбекистон тарихи атласи. Масъул муҳаррир А.Р.Отажонов.-Тошкент: Ўзгеодезкадастр,1999.-Б.9.

² Янгибоев М. Қашқадарё вилоят географияси.-Қарши,1993.-Б.6.

Турк-руний ёзма манбаларнинг тадқиқ этилиши Ўрта Осиё тарихи ҳамда Шарқий Туркистондаги Суғд савдо марказлари – колониялари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш имконини берди. Шунингдек, Хитой йилномаларидаги маълумотлар асосидаги О.Иакинфнинг асари Н.Я.Бичурин томонидан тўлдирилган ҳолда уч жилдда нашр этилди. Хитойшунос Э.Шефер эса ўз тадқиқотида халқаро савдо-сотиқ жараёнларида суғд тилининг мавқеи борасида муҳим хулосаларни таъкидлаб ўтди. Хитой манбалари асосидаги ушбу тадқиқот Суғдга олиб кирилган ва чиқарилган маҳсулотлар таснифини тузиш борасида ҳам муайян маълумотларни беради. 1967 йилда мавжуд хитой ҳамда бошқа манбаларни тадқиқ этиш асосида Л.Гумилевнинг Туркий ҳоконлиги тарихи ҳамда ҳоконликнинг халқаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларига бағишланган тадқиқоти¹ вужудга келди. Тадқиқотчи ўз асарида Туркий ҳоконлигининг халқаро алоқалари доирасида Суғднинг савдо-сотиқ жараёнларидаги ҳамда ҳоконлик бошқарувида, шунингдек, савдо-транзит алоқалар ривожигаги ўрни хусусида тўхталиб ўтади.

Мазкур даврда суғдшунослик соҳасида ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Ўрта Осиё ҳудудидаги археологик тадқиқотларнинг янги даври бошланди. Айнан ушбу тадқиқотлар натижасида Панжикент шаҳарчаси ҳудудидаги қазилмалар жараёнида (1947-1970 йй.) сопол идишлар сиртига битилган суғд ёзувлари, Афросиёбдан эса деворий суратлар орасидаги ҳамда сопол парчасидаги ёзувлар тадқиқ этилди. Шунингдек, Панжикент қазилмаларида топилган вазн ўлчови тошларидаги ёзувлар ҳамда суғд рақамлари тизимида оид маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар дастлаб А.Беленицкий томонидан амалга оширилди. Қолаверса, Бухоро воҳасида юзага келган маҳаллий суғд ёзуви билан битилган ёдгорликлар топилиб, тадқиқ этилди. Бухорода Суғд ёзуви мавжуд бўлганлиги, унинг қадимги Бухоро маҳаллий тангаларидаги ёзув билан бир эканлиги ҳамда бир қатор қумуш идишлар

¹ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Б.Ўрдабекли ва А.Айритомий таржимаси. -Тошкент: Фан, 2007. -500 б.

сиртида ҳам ушбу ёзув намуналари туширилганлиги тадқиқотчилар томонидан аниқланди.

1962-1963 йилларда А.А.Фрейман ва унинг шогирдлари – М.Н.Боголюбов, О.И.Смирнова ва В.А.Лившиц томонидан Муғ тоғи суғд хужжатларининг тўпламлари таржима ва изоҳлари билан бирга чоп этилди. Жумладан, М.Н.Боголюбов ва О.И.Смирнова томонидан Муғ тоғи мажмуасининг молиявий ҳаёт ва мамлакат ҳўжалиги масалаларига доир хужжатлар тадқиқотини ўз ичига олган “Хўжалик хужжатлари” номи остидаги тўплами 1963 йилда нашр этилди. Тўплам ўзида 46 та хужжат юзасидан илмий ёндашувларни акс эттириб, қуйидаги туркумларга ажратилди: васиқалар, кири-чиқим ҳисоботлари, сарф-харажат хужжатлари, буйруқномалар ва баённомалар. Ушбу тадқиқотлар Суғд хунармандчилигининг айрим соҳалари, пул ҳўжалиги ва товар-пул муносабатларини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

XX асрнинг 70-80-йилларида манбашунослик соҳаларидаги тадқиқотлар изчил давом эттирилди. Хусусан, Ўрта Осиёнинг V-VII асрлар тарихига доир арман ҳамда турк-руний манбалари тадқиқ этилди. Турк-руний манбаларнинг тадқиқ этилиши Туркий хоқонлиги ҳукмронлиги даврида суғдийларнинг хоқонлик иқтисодий ҳаётидаги мавқеи борасида қўшимча маълумотлар олиш имконини беради. Шунингдек, Суғд хунармандчилиги ривожини омилларига доир муайян маълумотларни ўзида акс эттирган “Тарихи Табарий” асарининг таржима қилиниши бу борадаги муҳим босқич бўлди.

Мазкур даврда суғдшуносликда ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, суғдшуносликнинг қарийиб 75 йиллик натижалари асосида умумлаштирувчи асар нашр юзини кўрди. Ушбу натижалар асарнинг иккинчи жилдида, библиографик илова сифатида акс этди. Қолаверса, М.М.Исҳоқов¹ ўзининг Муғ тоғи хужжатлари ҳамда суғдча битиклар устидаги тадқиқотларида ҳам муайян хулосалар ва маълумотларни келтириб

¹ Исҳоқов М.М. Суғдиёна тарих чоррахасида.-Тошкент: Фан,1990.-34 б.; Ўша муаллиф. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари // Ўлмас обидалар.-Т.,1989.-Б.4-41.; Ўша муаллиф. Некоторые вопросы палеографического изучения согдийских письменных памятников // Адабий мерос. №1.- Тошкент,1987. –с.26-31.

ўтди. Шунингдек, бу даврда Хитой йилномаларидаги тарихий-географик маълумотлар тадқиқотлари ҳам давом эттирилиб, муҳим хулосалар чиқарилди.

Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари манбашунослигида турли ҳудудлардан топилган суғдча хотирот-ташрифномаларнинг ўрганилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, Ҳиндистон билан Тибет чегарасида жойлашган Ладакх ҳудудидаги қоятош сиртига ёзилган ташрифномалар дастлаб Ф.В.К.Мюллер, кейинчалик Э.Бенвенист, В.Б.Хеннинг, С.Г.Кляшторный ҳамда В.А.Лившиц томонидан тадқиқ этилди. Талас водийси(Шарқий Туркистон)даги Кулонсой ва Тераксой даралари бўйлаб ҳарсанг ва қоятошлардаги ташрифномалар ҳам XX асрнинг 60-йилларидаги муҳим топилма бўлди. Қорақурум водийси(Покистон)даги қоятош суратлари ҳамда суғдий ташрифномалар мажмуасининг топилиши эса манбашунослик соҳасида муҳим тадқиқотлар амалга оширилишига замин яратди. Шаттал қоятошларидаги суғдча ташрифномалар дастлаб Х.Хумбах томонидан тадқиқ этилди. Кейинчалик инглиз олими Н.Симс-Вильямс ушбу мажмуага оид фотонусхаларни махсус альбом тарзида чоп эттирди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудида рўй берган тарихий жараёнларни ҳолисона ўрганишга ҳукумат томонидан берилган катта эътибор туфайли манбашунослик соҳаларидаги тадқиқотлар янги босқичга кўтарилди. Қарийиб бир ярим аср давомида бирламчи манбалар устида амалга оширилган тадқиқот ва яратилган асарларга янгича илмий ёндашув, уларни таҳлил этиш, тарих фанининг бошқа соҳаларидаги эришилган ютуқлар натижасида қўлга киритилган янги маълумотлар билан қиёсий солиштириш ва қайта тўлдириш асосида мамлакатимизда манбашунослик соҳаларида алоҳида илмий мактаблар ривожланди. Жумладан, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Суғд битикларини тугал ўрганиш асосида М.М.Исҳоқовнинг тадқиқоти юзага келди. Шунингдек, Муғ тоғи ҳужжатларини тадқиқ ва таҳлил этиш асосида тадқиқотчи ҳамда унинг шогирдлари – А.Отахўжаев, Ш.Шоёкубов, Б.Бобокулова томонидан мавзуга

доир самарали ишлар амалга оширилди¹. А.Отаҳўжаев бугунги кунда манбашунослик соҳасида “Илк ўрта асрлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда турк-суғд муносабатлари” мавзуида тадқиқот олиб бораётган бўлса, Ш.Шоёкубовнинг тадқиқоти туфайли Суғднинг товар-пул муносабатларига доир муҳим маълумотлар ва хулосалар вужудга келди.

Сўнгги йилларда Суғднинг тарихий-географиясига оид айрим араб манбалари ҳам тадқиқ этилди. Шунингдек, хитойшунос А.Хўжаев изланишлари туфайли энг сўнгги тадқиқотларни ўзида акс эттирган, Хитой тилида чоп этилган суғдийларнинг савдо-сотиқ жараёнларидаги иштироки ҳамда Марказий Осиё тарихида тутган мавқелари ва Хитойдаги суғдийлар ҳаёти борасидаги муҳим тадқиқотлар нашр этилмоқда. Қолаверса, Марказий Осиёнинг бир қатор ҳудудларидан аниқланган турк-руний ёзувлари устида ҳам маҳаллий ҳам хорижий тадқиқотчилар томонидан изчил тадқиқотлар давом эттирилмоқда².

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ўтмишнинг турли жабҳаларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалар устида амалга оширилган тадқиқотлар Суғд ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқаларига доир муайян маълумотлар олиш имконини берди. Бироқ, бу каби манбаларнинг ҳунармандчилик соҳаларини тадқиқ этишда етарли эмаслиги, шунингдек, мавжуд манбаларни тадқиқ этишда тадқиқотчилар ўртасидаги турли ёндашувлар ҳамда хулосаларнинг якуний ечими топилмаганлиги (бу каби ҳолатларни Хитой манбаларидаги географик маълумотлар ҳамда суғдча манбаларни тадқиқ этишдаги турлича ёндашувлар мисолида кузатиш мумкин) туфайли бу тадқиқотлар хулосаларидан мавзуга доир тўлиқ маълумотларни ололмаймиз. Шу сабабли фикримизча, мавзуни батафсил ёритиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда бевосита Суғд ҳудудида амалга оширилган археологик қазишмалар давомида қўлга киритилган илк ўрта асрлар даврига оид

¹ Отаҳўжаев А. Суғд қурол аслаҳаси ва чокарлари ҳақида манбалар // Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг тарихи, бугуни, келажаги. Илмий-амалий анж.мат..-Тошкент,2005.-Б.25-28.;

² Насимхон Раҳмон, Боқижон Матбобоев. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари.-Тошкент: Фан,2006.- 66 б.;

хунармандчилик маҳсулотлари ва танга пуллар устида олиб борилган тадқиқотларни мавжуд ёзма манбалар маълумотлари билан қиёсий таҳлил этиш асосида илмий хулосалар бериш мақсадга мувофиқдир.

1.2. Суғдда хунармандчилик ривожининг омиллари ва хусусиятлари

Хунармандчилик – қадимдан жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида ишлаб чиқарувчи хўжаликда муҳим ўринга эга бўлган. Мамлакатимиз халқлари қадимги даврларданок турли хунармандчилик соҳалари билан шуғулланиб келганлар, бу борада ўз мактаблари ва анъаналарини, услуб ва йўналишларини яратганлар. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бутун Ўрта Осиёда, шу жумладан, Суғдда ҳам урбанизацион жараёнларнинг кучайишига олиб келди.

Археологик манбалар таҳлилига кўра, Суғд ҳудудига кириб келган кўчманчи чорвадорларнинг аксарият қисми оммавий тарзда ўтроқлашади. Бу ҳолат ўз навбатида, кўчманчи чорвадор қабилалар маданиятининг (бу маданият Қовунчи маданияти номи билан фанга киритилган) бутун Суғд бўйлаб кенг ёйилишига сабаб бўлади. Бу маданиятнинг таъсири энг аввало, хунармандчиликда айниқса, кулолчиликда яққол кўзга ташланади. Маълум муддат ижтимоий ҳаётда кулолчилик маҳсулотлари - анъанавий нафис, хушбичим, ҳилма-ҳил бозоргир сопол идишлар ўрнини анча сифатсиз, дағал ва қўпол, сирти сайқалланмаган сопол идишлар эгаллайди. Идиш дасталарида, кулоқларида ва қозон туширғичларида ҳайвонлар рамзи акс эттирилади. Бу маданиятга хос археологик топилмаларда “..қўй культи, айниқса, кўчқор сиймоси кенг кўламда тасвирланган”¹.

Аҳолининг ўтроқлашуви Суғдда ва бутун Ўрта Осиёда янги деҳқончилик ерларини ўзлаштириш эҳтиёжини вужудга келтиради. Бу эса V асрдаёқ минтақанинг сунъий суғориш имкониятларидан унумли фойдаланиш эвазига йирик унумдор ерларнинг ўзлаштирилишига олиб келди. Янги

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. -Тошкент: Шарқ, 2007. 232-б.

воҳаларнинг ўзлаштирилиши ўз навбатида деҳқончилик маданияти ва урбанизацион жараёнларнинг ривожига замин яратди, зотан, “.. илк ўрта асрлар урбанизацияси янги қурилган шаҳарчалар ва уларнинг атрофидаги қалъа-қўрғонлар ҳисобига ўсди”¹.

Ўрта Осиёда аҳоли ўтrockлашувининг кучайиб бориши бевосита мазкур даврда Буюк Ипак йўли тармоқларидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожига билан ҳам изоҳланади. Зотан, “Буюк Ипак йўлида туркий қабилалар ҳаракатининг фаоллашуви шаҳар маданияти ривожига муҳим ўрин эгаллади. Бу жараён эса Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида янги шаҳар марказлари тизимининг вужудга келишига замин яратди, савдо йўлларидаги ёки савдо-иқтисодий жиҳатдан уларга боғлиқ бўлган шаҳарларнинг (шунингдек, ҳунармандчилик ва савдо марказларининг) тезлик билан ривожланишини таъминлади”. Фикримизча, ёғинли кунлар нисбатан камсонли бўлган минтақа шароитида бундай ҳолат савдо қарвонларини бирламчи манба – сув билан таъминлаш эҳтиёжи туфайли шаклланган савдо-транзит алоқалари ва йўллари, шунингдек, ҳунармандчилик соҳалари ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Зарафшон дарёсининг чап соҳилидаги ҳудудларда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Жумладан, савдо-транзит йўллар тизимининг “Шоҳ-роҳ” йўналишида Зермон, Рабинжон, Дабусия каби шаҳарлар тармоғи ривож топган бўлса, дарёнинг юқори оқимида Ривдод, Варагсар ҳамда илк ўрта асрлар даври меъморчилиги ва ҳунармандчилик соҳалари тараққиёти жиҳатидан Суғд цивилизациясининг намунали (эталон) ёдгорлиги ҳисобланган Панжикент каби йирик марказлар ҳам юксалади. Бу каби марказлар ўрта асрларда вужудга келган Самарқанд Суғди рустоқларининг маъмурий марказлари сифатида йирик шаҳарларга айланган. Тадқиқотлар бу каби рустоқлар ўн иккита бўлганлиги, улардан олтитаси – Ёркет, Бурнамад, Бузмажен, Кабуданжакет, Вадор ва Марзбон – Зарафшон дарёси ўнг

¹ Пардаев М.Х. Қадим ва ўрта асрларда Уструшона // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқ. конф. мат. -Т., 2007. -Б. 83.

соҳили(шимоли)да, қолган олтитаси – Панжикент, Варагсар, Маймурғ, Санжарфиғон, Дарғом ва Абгор эса дарёнинг сўл соҳили(жануби)да жойлашганлигини кўрсатади.

Аҳолининг ўтроқлашув жараёни Жанубий Суғд ҳудудида ҳам ҳунармандчилик соҳалари ривожининг кейинги тараққиётида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ёзма манбалар ҳамда воҳада олиб борилган изчил археологик изланишлар Жанубий Суғдда икки иқтисодий ва маъмурий ҳудуд, яъни, Қашқадарёнинг юқори оқимида, Зарафшон ва Хисор тоғ ён бағирларидан дарёнинг ўрта оқими ҳавзасигача бўлган шарқий ҳудудда Кеш мулки ҳамда дарёнинг қуйи оқимига қадар чўзилган ҳавзада Нахшаб мулки шаклланганлиги хусусида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Суғдда ҳунармандчилик соҳалари ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири – маҳаллий хом ашё манбаларига эга бўлган кончилик ишининг тараққий этишидир. XX асрнинг 20-30-йилларида кончилик тарихига доир ўрта аср манбаларини тўплаш, таҳлил этиш ҳамда мавжуд тарихий даврларга оид топилмалар билан қиёсий таҳлил этиш асосидаги М.Е. Массон томонидан чиқарилган ҳулосалар Ўрта Осиё, шу жумладан, Суғдда кончилик тарихини ўрганиш борасидаги изчил тадқиқотлар олиб борилишига замин яратди.

Археологик ҳамда геологик қидирув ишлари туфайли Суғд ҳудудини ўраб тўрган Зарафшон, Ҳисор ва Нурота тоғларида қадимги даврлардан ўзлаштирилган кончилик излари мавжуд бўлганлиги аниқланган. Жумладан, XX асрнинг 50-йилларидаги геологик тадқиқотлар туфайли Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғларида Карноб, Лапас, Чангалли, 1961-1975 йилларда Нурота тоғининг Суғд ҳудуди қисмидаги, 1963-1966 йилларда Хисор тоғининг жануби-ғарбий тизимидаги, 80-йилларда Жанубий Қизилқум ҳудудларида, унчалик катта бўлмаган тоғ-тепаликлар (Қулжуктов, Аумингзатов, Томдитов, Етимтов)дан кончиликнинг қадимги ва илк ўрта асрлар даври излари тадқиқ этилди.

Мустақиллик йилларида бу борадаги тадқиқотлар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти ҳамда Германия Археология институти, Бохум (Германия) Кончилик музейи, Германия Кончилик академияси Археометаллургия институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбек-Герман археологик экспедициясининг 1997-1999 йилларда олиб борган тадқиқотлари кончилик тарихи тўғрисида муҳим маълумотлар олиш имконини берди. Жумладан, Карноб чўли ҳудудидаги қадимги мис конлари ҳамда рудани эритувчи қурилма ва қозоннинг ҳамда руда эритиш билан боғлиқ меҳнат қуроллариининг топилиши¹ Суғдда мазкур даврда тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари айнан маҳаллий хом ашё манбаларига эга бўлганлигини кўрсатади.

Мазкур даврдаги энг йирик кон мажмуалари Жанубий Суғдда, Хисор тоғи руда маконларида ўзлаштирилади. Жумладан, Чўянли, Сулукўл, Оксув тоғ-кон мажмуаларида, Калтакўл атрофидаги, қолаверса, тоғ ёнбағридан оқиб тушувчи сойлар қирғоқларида жойлашган кон қазилмалари жойларида олиб борилган геологик-археологик изланишлар туфайли қўлга киритилган ашёлар уларнинг аксар қисми илк ўрта асрлар даврида бу конлардан руда қазиб олинганлигини исботлайди. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Кеш тоғларида қазиб олинган хом ашё бирламчи ишлов берилган хом ашё (полуфабрикат) сифатида Суғднинг кўпгина металлсозлик ҳунармандчилиги марказларига, шунингдек, Панжикентга ҳам етказиб берилган.

Суғд ҳудудида қадимги даврлардан шаклланган кончилик Туркий хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг жадаллик билан ривож топди. Зеро, ёзма манбаларга кўра, “Туркутлар умумий тарих саҳнасида дастлаб темир ишлаб чиқариш касби билан кириб келдилар.., улар (туркутлар) Марказий Осиёда темирни саноат даражасида қазиб олувчи дастлабки халқ сифатида жаҳон тарихи саҳнасида пайдо бўлди. Шу боис, кўчманчилар ҳарбий тадбирлар муваффақиятини белгиловчи темир қуроллари олиб

¹ Холмўминов У.Р. Ўрта Осиёнинг тоғ-кон металлургияси тарихи // Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи..- Б.24-25.

турадиган Хитой ва Тибетга нисбатан мустақиллик мавқеига эга бўлдилар”. Туркийларнинг қадимги макони Олтой ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди¹.

Туркий хоқонлиги ҳукмронлиги даврида Суғддаги кончилик ва металлсозлик ҳўжалиги аҳволи хусусидаги маълумотларни Земарх бошчилигидаги хоқонликка ташриф буюрган Византия элчилиги тўғрисидаги Менандр хабарларида учратиш мумкин. Жумладан, элчилик ҳақида тўхталиб, Менандр қуйидагиларни келтириб ўтади: “..Тез орада улар (элчилар) Суғдлар мамлакатига етиб келдилар.. Шу ерда (баъзи) турклар Земархга улардан темир сотиб олишларини таклиф қилдилар; менимча, улар бу ишни мамлакатларида темир конлари борлигини кўрсатиш мақсадида амалга оширдилар, (чунки) баъзи ҳолларда (уларнинг) мамлакатида темир (қазиб) олиш қийинлиги ҳақида гаплар юрарди. Шунини айтиш мумкинки, бу орқали улар римликларга ўзларининг ерида ушбу маъдан ишлаб чиқарилишини билдирмоқчи бўлганлар”². Кончилик тарихига доир Хитой йилномаларида Суғддан қазиб олинган ва империяга келтирилган олтин (хунармандчилик маҳсулотлари-А.А.), сердолик ва яшма тошлари, латун (мис ва қалай қотишмаси) ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Манбалар, шунингдек, Суғддаги меъморчилик ҳамда кулолчилик хунармандчилиги учун зарур бўлган бошқа конлар хусусида ҳам маълумот беради. Жумладан, Ибн Ҳавқал маълумотларига кўра, “..Самарқанд шаҳри яқинидаги Кўҳак тоғидан шаҳар қурилиши учун тош, кулолчилик, “нура” мойи ва шиша буюмлар учун гил тупроқ қазиб олинган. Менга маълум бўлишича, унинг таркибида кумуш ва олтин ҳам бўлиб, фақат уни қайта ишлаб олиш мумкин эмас”. Араб муаллифи томонидан келтирилган Кониғил ҳудуди Самарқанд шаҳрининг жануби-шарқида, Чўпонота тепалиги этагидаги гил кони бўлиб, у ердан милоннинг бошларидан эътиборан гил тупроқ, оққум, соз тупроқ, қизил кесак, сариқ тупроқ ва кулолчиликда

¹ Гумилев Л. Қадимги турклар...-С.74-75.

² Равшанов П. Кашкадарё тарихи. Тошкент, 1995.-Б. 197.; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб...-С.181.

ишлатиладиган бошқа хил ашёлар¹ казиб олинган. Бу хом ашёларнинг сифати юқорилиги ўша давр кўпгина манбаларида тилга олинган. Бу кондан олинган хом ашё шаҳар ва унинг атрофларидаги кулолчиликда кенг ишлатилган.

Юқорида тилга олинган маълумотлар таҳлили ва билдирилган фикрлар куйидаги хулосалар чиқариш имконини беради. Биринчидан, илк ўрта асрлар арафасида Марказий Осиёда содир бўлган табиий жараёнлар туфайли вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият Ўрта Осиёда йирик тарихий-демографик ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу эса кўчманчи аҳоли тоифаларининг ўтроқ турмуш тарзига ўтиши жараёнини тезлаштирди. Бу жараён узок давр, яъни, милодий IV аср ўрталаридан VII аср биринчи ярмига қадар давом этди. Қулай табиий-географик ўринни ишғол этганлиги сабабли Суғд ҳудудида бу жараён кенг тус олди. Натижада деҳқончилик учун қулай бўлган Зарафшон ва Қашқадарё, шунингдек, тоғ ёнбағри сув ҳавзалари аҳоли томонидан тез суратларда ўзлаштириб борилди.

Суғд ҳудудида турли ёдгорликларнинг вужудга келиши ҳамда кенгайиб бориши ҳунармандчилик соҳаларининг кенг ёйилиши ва ишлаб чиқариш марказларининг ривож топиб боришига замин яратди. Хусусан, марказий шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб оралиғида, шунингдек, Амударё кечувларида жойлашган Фороб, Карки, Калифга қадар ҳамда Уструшона чегараларидан Темир Дарвозагача бўлган ҳудуларда илк ўрта аср ҳунармандчилик ва савдо марказлари, кўрғон ва қишлоқ манзиллари тармоғи шаклланади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги – XXI аср бошларида амалга оширилган тадқиқотлар. Ушбу даврдаги тадқиқотлар турли қўшма археологик экспедицияларнинг фаолияти билан ҳам изоҳланади. Жумладан, Афросиёб ёдгорлигини тадқиқ этиш борасида 1988 йилда Ўзбек – Француз археологик экспедицияси ташкил этилди. Афросиёб ва унинг атрофидаги ёдгорликларни

¹ Отахўжаев А. Абу-л-Қосим ибн Хавқал Ўрта Осиё вилоятлари конлари ва қазилма бойликлари ҳақида // Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи..-Б.74.

тадқиқ этишга француз археологлари 1989 йилдан киришдилар. Қўшма экспедиция томонидан амалга оширилган тадқиқотларда асосий эътибор Суғдда шаҳар маданиятининг шаклланиш даврини аниқлаш масалаларига қаратилди. Кўктепа, шунингдек, Афросиёб ёдгорлигидаги узоқ давр мобайнида олиб борилган изчил тадқиқотларни таҳлил этиш асосида Самарқанд шаҳрининг вужудга келиши санасига доир янги илмий хулосалар вужудга келди. Экспедиция фаолияти натижасида шаҳарнинг шаклланиши эр. авв. I минг йилликнинг биринчи чорагига бориб тақалиши тадқиқ этилди. Самарқанд шаҳрининг шаклланишига бағишлаб халқаро илмий симпозиум¹ ташкил этилди ҳамда 2007 йилда шаҳарнинг 2750 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

2003 йилдан Ўзбек – Италия қўшма экспедицияси илк ўрта асрлар йирик ҳунармандчилик маркази – Кофирқалъа ёдгорлигида изчил тадқиқотларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, экспедиция томонидан Зарафшон тоғининг шимолий ва ғарбий этакларида ҳам олиб борилган изланишлар натижасида ҳудудда жойлашган ёдгорликларнинг топографик ҳаритаси тузиб чиқилди. 1997 йилда ташкил этилган Ўзбек – Герман экспедицияси томонидан 1997-1999 йилларда Марказий Қизилқум ҳудудида амалга оширилган археологик-геологик тадқиқотлар натижасида Суғд металлсозлигида кончиликнинг аҳамиятига доир муҳим маълумотлар қўлга киритилди.

1973 йилда ташкил этилган Қашқадарё экспедицияси томонидан воҳанинг ғарбий қисмида, Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги марказий ёдгорлик – Нахшаб ва унинг атрофидаги ёдгорликлардаги тадқиқотлар изчил давом эттирилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида Жанубий Суғд ҳудудидаги шаҳар маданияти ҳамда ҳунармандчилик соҳалари ривож, воҳанинг қўшни ўлкалар билан савдо – иқтисодий алоқалардаги ўрнига доир изланишлар натижасида Р.Ҳ.Сулаймоновнинг тадқиқоти яратилди. Қуйи Қашқадарё

¹ Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни.-Тошкент-Самарқанд: Фан,2007.-439 б.

худудидаги кишлоқ ва кўрғонларда айрим ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши масалалари А.Раимкулов тадқиқотида ўз аксини топди.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб бугунги кунга қадар давом этаётган археологик тадқиқотлар натижасида илк ўрта асрлар Суғд ҳунармандчилиги, савдо – иқтисодий алоқалари, шаҳарлар ривож, қадимги йўллар, ирригация иншоотлари бўйича кўплаб маълумотлар тўпланган. Уларнинг айримларида бир – бирини инкор этувчи хулосалар, бир томонлама ёндашувлар мавжуд. Тўпланган маълумотларни умумлаштириш, уларга илмий – қиёсий таҳлиллар асосида бугунги мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан янгича ёндашув орқали илмий хулосалар бериш замонавий тарихшуносликда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

1.3. Суғдда ҳунармандчилик маҳсулотлари турлари

Суғд ҳунармандчилик соҳаларининг ривож бевосита ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати, тури ҳамда сайқалланиш даражаси билан белгиланади. Шу сабабли ҳунармандчилик соҳалари таснифи бўйича маҳсулотлар таҳлилини кўриб чиқамиз.

Кундалик, уй-рўзғор ҳамда ошхона буюм(инвентар)ларининг асосий қисмини сопол идишлар ташкил этади. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керак-ки, Суғд, умуман, Ўрта Осиё тарихининг ёзма маълумотлар етарли бўлмаган қадимги ва илк ўрта асрлар даврини ёритишда кулолчилик маҳсулотлари муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Зеро, “..сопол баъзан иқтисодий ҳаётни ўрганишда кўлёзма маълумотларидан кўра кўпроқ маълумот беради. Бинобарин, кўлёмаларда иқтисодий ҳаёт, халқ турмушига оид материаллар жуда оз учрайди”. Кулолчилик идишларининг таснифи, турлари, шакл ва ҳажмлари хусусида Суғднинг кўплаб археологик ёдгорликларида бир қатор изчил тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар илмий хулосалари мазкур давр ҳўжалик ҳаётини ёритишда муҳим аҳамият касб

этади. Шунингдек, ушбу тадқиқотлар маданий ўлкада ягона кулолчилик маданияти ривожланганлигини кўрсатади.

Илк ўрта асрлар даврига оид Жанубий Суғд ҳудудидаги Чечактепа ёдгорлигидан топиб ўрганилган маҳсулотлар бу муаммони ёритишда катта аҳамиятга эга бўлиб, ёдгорликда даврнинг барча босқичларига тегишли идишлар аниқланган. Мазкур даврдаги маҳсулотлар асосан икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳни ошхона анжомлари, яъни, турли ҳажмдаги қозонлар, хумлар, хум қопқоқлари, манқал (кабоб қўра) каби идишлар ташкил этади. Турли ҳажмдаги қозонлар қўлда тайёрланган. Қозон деворлари қалинлиги 0,6-1,7 см.ни ташкил этган ҳамда хом ашёга оловга чидамли соз тупроқ – шамот қўшилган. Бу каби қозонлар, шунингдек, V – VIII асрларга оид Суғд ёдгорликлари учун ҳам хосдир. Хумлар асосан озуқа маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган бўлиб, баландлиги 60-80 см.ни, диаметри эса 27-43 см.ни ташкил этган.

Маҳсулотларнинг иккинчи гуруҳини кўзалар, қувачалар, қадах (кружка)лар, ликопча, бир неча турдаги қосалар ҳамда туваксимон идишлар ташкил этган бўлиб, улар кулолчилик чархида юқори сифатли тарзда тайёрланган. Суюқлик учун мўлжалланган идишлар асоси кўзалардан иборат бўлган. Кўзалар асосан икки хилда, кенг ва тор бўғизли шаклларда тайёрланган. Бироқ ҳар иккала шаклдаги кўзаларнинг асосий қисми қадимги давр маҳсулотларидан фарқ қилган ҳолда жўмрақлар ёки бўғиз қисмида бўртиб чиққан оғизлар ҳамда нафис, қулай қилиб ишланган дасталар билан таъминланган.

Дастлабки даврларда турли идишлар дасталарида зооморфик (ҳайвонлар шакли) безакларнинг пайдо бўлиши ҳам ушбу даврга хос жиҳатлардан биридир (6-расм). Қадахлар мазкур давр ҳўжалигида муҳим ўрин тутган идишлардан бири ҳисобланиб, халқасимон дасталар билан ишланган. Улар VII асрдан эътиборан бутун Суғд ҳудудида кенг қўлланилган. Қосаларнинг асосан уч, яъни, коса, товоқча ҳамда қадах шаклидаги турлари кенг тарқалган

бўлиб, бу маҳсулотлар кундалик ҳаётда ликопларни сиқиб чиқарган. Шунингдек, Суғда тувак шаклидаги турли ҳажмли (йирик бўлмаган) идишлар ҳам уй-рўзғор ва ошхона юмушларида кенг фойдаланиб келинган.

Суғд кулолчилиги мактаби ютуқларидан бири – маҳсулот тайёрлашнинг махсус усули Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган Кофирқалъа (ёзма манбалардаги Ривдод билан таққосланади) ҳунармандчилик марказида йўлга қўйилган. Бу усулга кўра, тайёр бўлган маҳсулотнинг оғиз қисми гардишига махсус шаффоф минерал (слюда) билан ишлов берилган. Натижада бу идиш ўз шакли билан металлсозлик маҳсулоти кўринишини олган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай идишлар металл маҳсулотларга тақлидан ишлаб чиқарилган ҳамда уларнинг арзон муқобили сифатида ҳам кенг ёйилган. Айнан унчалик катта бўлмаган косалар, ҳайвон боши шаклида тайёрланган тор бўғизли ва (сув қуйилиши учун) бўртма оғизли кўзалар, дастали қадах(кружка)лар ҳамда оғиз гардишига шаффоф минерал билан ишлов берилган кичик ҳажмли идишлар илк ўрта асрлар Суғд кулолчилиги маҳсулотлари мажмуини ташкил қилган. Уларнинг маълум бир қисми ташқи савдо-сотиқ учун ҳам чиқарилган, шу сабабли четга чиқарилган маҳсулотлар кўшни ўлкалар маданий ривожига катта таъсир кўрсатган.

Тўқимачиликнинг ривожланиб бориши соҳанинг муҳим тармоғи – тикувчилик ҳунармандчилигининг кенгайиб боришига замин яратади. Кўрилаётган даврда тикувчиликда Суғд ҳунармандлари катта ютуқларга эришганлигини кузатиш мумкин. Тадқиқотлар таҳлили Ўрта Осиёнинг бошқа ўлкалари каби Суғдда ҳам пахта ва ипак газламасидан тикилган кийим-кечаклар кенг тарқалганлигини кўрсатади. Жумладан, археологик тадқиқотлар давомида топилган ашёлар (бу ашёлар асосан ўша даврга оид қабрлардан топилган) ҳамда деворий суратлар(Панжикент, Афросиёб ва Варахша сарой деворлари)да акс этган тасвирларни тадқиқ этиш орқали мазкур даврдаги кенг фойдаланилган аёллар, болалар ва эркаклар кийими, бош кийими ва оёқ кийимлари муҳим маълумотлар олиш имконини беради. Аёллар кийими кўпчилик ҳолатларда асосан икки турдан – кўйлак ва кўйлак

устидан ташлаб қўйилган енгил кийим(халат)лардан иборат бўлган. Одатда, қўйлақлар шойи, енгил кийимлар эса пахта газламасидан тикилган. Халатлар турли ўсимлик шаклидаги бежирим ипакли безаклар билан безатилган. Афросиёб ёдгорлигидан топилган топилма айнан аёллар енгил кийими бўлаги эканлиги аниқланган, тадқиқотларга кўра, 65х67 см катталиқдаги бу бўлак пахта хом ашёсидан тикилган. Аёллар кийими танани тўпикқача беркитиб тўрган. Болалар кийими асосан, қизил шойи газламасидан тикилган. Қизлар кийими елкаларини, орқа ва олди юқори қисми ҳамда енгларини мунчоқлар бежаб тўрган. Кийимлар тикувчиликнинг Марказий Осиё ўлкаларидаги услубида, яъни, елка, этак ва енг учлари қисми безакли (гулли) тарзда тайёрланган.

Тўқимачиликнинг яна бир муҳим соҳаси – гилам тўқиш ҳисобланган. Жундан сифатли тўқилган гиламлар ҳашамдор безаклар билан безатилган. Бу каби гиламлар Панжикент атрофларидаги тоғли қишлоқларида ҳам кўплаб тўқилган. Бироқ, бу маҳсулотлар турли сабабларга кўра бугунги кунга қадар сақланиб қолмаган. Соҳанинг санокли ашёларидан бири Самарқанд Суғдида жойлашган Жартепа ёдгорлиги супасида сақланиб қолган. Тадқиқотларга кўра, ўлчамлари 81х47 см.ни ташкил этган бу топилма каттагина, жундан сифатли қилиб тўқилган гилам бўлаги эканлиги аниқланди. Оғир меҳнатни тақозо этадиган бу маҳсулотларнинг каттагина қисми ибодатхоналар, олий табақа вакиллари ҳамда ташқи савдо-иқтисодий алоқалар учун ишлаб чиқарилган.

Металлсозлик маҳсулотлари Суғд ҳудудидаги ёдгорликлардан топилган ашёларнинг каттагина қисмини ташкил этади. Бу маҳсулотларнинг асосий қисмини шубҳасиз, хўжалик буюмлари (турли меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари), турли қийматли тақинчоқлар ҳамда қурол-яроғ ашёлари ташкил этади. Бироқ, асрлар давомида турли таъсирлар туфайли бу маҳсулотларнинг аксарияти қисман етиб келган. Шу сабабли ёзма манбалар ҳамда ушбу топилмалар устида амалга оширилган тадқиқотлар орқали мазкур даврда

тайёрланган металлсозлик маҳсулотлари ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Жанубий Суғдда ва Нурота тоғ тизмаларида кончиликнинг ривожланиб бориши йирик ҳунармандчилик марказларида металлсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янги поғонага кўтарди, бу марказларда кўплаб устахоналар вужудга келди. Жумладан, биргина Панжикент шахристонида VII – VIII асрларда, яъни араблар босқинига қадар (722 й.) темирчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган иккита, хизмат кўрсатувчи саккизта, рангли металлларни қайта ишловчи бешта, заргарлик маҳсулотлари тайёрловчи битта ва танга зарб этувчи битта, жами 19 та маҳсус устахоналар фаолият кўрсатган.

Суғориладиган майдонларнинг кенгайиши ҳамда деҳқончилик маданиятининг юксалиши металлсозлик, асосан, қора металлга қайта ишлов бериш ҳамда ундан хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш соҳасининг маданий ўлка миқёсида кенг ёйилишига туртки берди. Металлсозлик буюмлари асосан хўжалик буюмлари бўлиб, бу маҳсулотлардан уй-рўзғор (пичоқлар, болта) ҳамда қишлоқ хўжалиги (ўроқ, омоч, мотиға) мақсадларида фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Бироқ, металлсозликнинг муҳим тармоқлари бўлган қуролсозлик ҳамда заргарлик маҳсулотларини тайёрлаш фақатгина йирик марказларда, танга пуллар зарб этиш эса бевосита мулк ҳукмдорлари саройига яқин маҳсус устахоналарда амалга оширилган.

Металлсозлик маҳсулотларининг мазкур даврга оид намуналари – асоси бронзадан тайёрланган тошойна – Кофирқалъа, кўплаб бронза ва кумуш тақинчоқлар - Қоратепа (Самарқанд Суғди), Ўрта Қашқадарё худудидан ёйсимон қилиб ишланган пичоқлар¹, ёй ўқи, бронза қўнғироқчалар ва темир пичоқлар – Кеш² ва Нахшаб, шунингдек, Панжикент худудларидан кўплаб топилган ва тадқиқ этилган.

¹ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент, 1995.-Б.197.

² Шахрисабз. Минг йиллар мероси.-Тошкент: Шарқ, 2002.-Б. 90.

Металлсозликнинг яна бир муҳим тармоғи – кандакорлик маҳсулотлари ҳам бу даврда ўлка ҳудудларидан ташқаридаги анча кенг маконларга ҳам тарқалди. Бу каби идишлар ўз даврида Сибир, Шарқий Европа, Қора денгизбўйи мамлакатлари ва Ғарбий Европа ҳудудларидан кўплаб топилган. Хозирги Самарқанд шаҳри яқинидаги Челак тумани ҳудудидан кандакорлик ҳунармандчилиги каттагина мажмуа(коллекция)сининг топилиши ҳамда бу идишлар устида амалга оширилган тадқиқотлар эса айнан Суғд мактаби Сосонийлар Эрони ва Араб халифалиги мактаблари оралиғининг VII – VIII асрлардаги муҳим бўғини бўлганлигини исботлади. Кандакорликнинг муҳим жиҳатларидан бири идишга берилган безаклар бўлиб, бундай безаклар билан бир қаторда маҳсулотнинг кимга тегишли эканлиги ҳам битиб қўйилган.

Қуролсозликнинг мазкур даврда кенг тарқалган тури бадий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўлиб, улар асосан, нуфузли амалдорлар, деҳқонлар ҳамда йирик савдогарлар эҳтиёжига кўра тайёрланган. Бу каби буюмларни ҳамда уларнинг ғилофини турли қимматбаҳо тошлар ва металллар, дур ва маржонлар билан безатиш, уларга серҳашам дасталар тайёрлаш ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари, хусусан, суяк ва ёғочга ишлов бериш, терини қайта ишлаш ва сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ривожига туртки берди. Жумладан, Муғ қалъаси қазилмалари даврида топилган, ёғочдан ишланган ва тери билан қопланган, тасвирлар билан безатилган қалқон устида изланишлар олиб борган В.Распопова бу каби қалқонлар ҳарбий ҳаракатлар чоғида Суғдда кенг қўлланилганлигини таъкидлаб ўтади.

Заргарлик – халқ маънавияти ва маданиятининг ўзига хос соҳаси бўлиб, унинг пайдо бўлиши инсоният тарихининг қадимги даврларига бориб тақалади. Қадимги даврларда соҳа маҳсулотлари аксарият ҳолларда диний – ғоявий аҳамиятга эга бўлган бўлса, кейинги даврларда кишилар дунёқараши ва туб ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар туфайли бу буюмлар шахснинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири бўлган.

Суғддаги тараққиёт заргарлик маҳсулотларини кенг миқёсда ишлаб чиқариш имконини берган эди. Бу эса қимматбаҳо маъдан – олтин ва

кумушдан ҳар хил шаклдаги санъат даражасига кўтарилган юксак бадиий маҳсулотлар тайёрланиши учун замин яратди. Соҳа ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири анъанавий тақинчоқлар билан бир вақтда йирик ҳажмдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилганидир. Жумладан, Хитой йилномаларида Суғднинг турли мулклари, хусусан, “..Ань (Бухоро) ҳукмдори 7-8 фут катталиқда бўлган, туя шаклидаги олтин тахтда ўтирган..”лиги ҳақида маълумот беради. Қолаверса, араблар босқини даврида марказий шаҳарлардаги ибодатхоналарда сақланган маъбудларнинг катта ҳажмдаги олтиндан тайёрланган ҳайкаллари ҳақидаги маълумотлар ҳам фикримизни исботлайди. Бироқ, заргарлик маҳсулотларининг асосий қисмини турли ҳажм ва шаклдаги тақинчоқлар ташкил этади. Худуддан топилган тарихий ашёлар билан бир вақтда сарой деворларида сақланиб қолган тасвирий санъат намуналари тақинчоқлар хусусидаги асосий манба ҳисобланади. Ушбу манбаларни ўрганиш орқали бугунги кунда заргарлик мактабига оид бўлган тақинчоқлар борасида кўпгина изланишлар олиб борилган ҳамда тақинчоқлар таснифи ишлаб чиқилган. Бу таснифга кўра, маҳсулотлар бошга тақиладиган тақинчоқлар, исирғалар, бўйин ва кўкрак тақинчоқлари, билагузуклар ҳамда ҳар хил ҳажмдаги узуклар каби турларга бўлинади.

Бошга тақиладиган тақинчоқлар. Бу тақинчоқлар катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳокимият, шунингдек, шахснинг жамиятдаги мавқеини англатган, тананинг энг муқаддас қисмини турли бало – қазолардан асраш вазифасини бажарган, бир вақтнинг ўзида соч ўрамини тартибга солиш вазифасини ҳам ўтаган. Бу каби буюмларнинг асосан икки тури мавжуд бўлган. Бошга боғланадиган мато ёки тери боғичлар тарзидаги биринчи гуруҳ айлана шаклдаги қимматбаҳо тошлар билан бойитилган қадама безак – нишонлар билан безатилган.

Иккинчи гуруҳ тиллақош ёки тож шаклида бўлган. Суғд худудида ўз шаклига кўра бу каби буюмлар икки гуруҳни ташкил этади. Биринчиси дур ва марваридлар ёки ҳайвон шаклидаги нафис безаклар билан безатилган

тиллақошлар, бу каби безаклар ҳокимият ва ҳомийликни билдирган. Жумладан, манбаларда Суғд ихшиди бошига еттита қимматбаҳо тош ўрнатилган тиллақош тақиб юрганлиги тилга олинади. Иккинчи гуруҳ қимматбаҳо тошлар, безакли нишонлар, маржон ва бўртма нақшлар билан безатилган тожлардир. Панжикент саройи суратларидан бу каби тожларнинг баланд ҳажмда, кунгурадор ёки тўп гулбаргли қилиб безатилганлигини кузатиш мумкин. Бу каби тожларнинг аксарият қисмида ярим ой тасвири акс эттирилган.

Исирғаларнинг аксарият қисми асосини оддий безаклар ташкил этган халқадан иборат бўлган. Мураккаброқ тузилишдаги исирғалар мажмуини эса кулоққа тақиладиган халқага ўрнатилган йирикроқ маржон ҳамда маржонга ўтказилган учта халқачага маҳкамланган кичик мунчоқлар ташкил этган. Бу каби исирғаларни эркаклар ҳам тақиб юрганлар.

Маржон шодалари бўйин ва кўкракка тақиладиган тақинчоқлар гуруҳини ташкил этган. Шода олтин ёки кумушдан тайёрланган силлиқ жевак (кулон), шокила ёки медальон билан бойитилган. Улар жумласига Нахшаб кўҳандизидан топилган типратикан шаклидаги жевакни киритиш мумкин. Медальон ва шокилалар тўғрибурчакли ва бошқа геометрик шаклли тошлар билан безатилган. Энг мураккаб ва кўркам безатилган кўкрак тақинчоқлари Панжикентда кенг тарқалган.

Билагузукларнинг мазкур даврда елкадан тирсаккача бўлган тана қисмида ҳам тақиладиган тури ҳам кенг қўлланилган. Билакка доимий равишда жуфт – ҳар бир қўлга биттадан, иккитадан ёки учтадан билагузук тақилган. Уларнинг айримларига безак берилмаган, айримлари эса қимматбаҳо тошлар, маржон ва нақшлар билан безатилган. Елка билагига эса гардиш шаклидаги билагузуклар тақилган. Улар қимматбаҳо бўлиш билан бир вақтда ҳимоя вазифасини ҳам ўтаган. Билагузуклар тақиш эркак ва аёллар орасида кенг ёйилган.

Узуклар. Топилма суратлар тадқиқотларига кўра, оддий бир тишли тарзда ҳамда йирик қимматбаҳо тош бўлаги ёки дур ўрнатилган ҳолда

ясалган узуклар асосан кичик бармоққа тақилган. Чечактепадан топилган узук гардиши айнан шу узукларга ўхшаш бўлган¹. Бу каби узуклар жамиятдаги мавқе билан бир вақтда шахснинг балоғатга етганлигини ҳам билдирган.

Бу каби маҳсулотлар қўшни ва олис ўлкаларда ҳам юксак қадрланган ва шу сабабли савдо-сотиқ алоқаларида катта ўрин тутган. Шунингдек, аҳоли табақаларини ҳисобга олган ҳолда бронза ва мис каби маъданлардан ҳам тақинчоқлар ясалганки, бу каби топилмалар кўпгина ёдгорликлардан топиб тадқиқ этилган.

¹ Исҳоқов М.М. Сўғдиёна тарих чоррахасида.-Тошкент: Фан,1990

2 БОБ. СУҒДА ИЧКИ САВДО-СОТИҚ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2.1. Ички савдодаги пул муомаласи ва товар-пул муносабатлари

Тарихий даврлардан маълумки, айнан қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва савдо-сотикни ривожлантириш ва шу орқали мамлакат таянчини мустаҳкамлаш мақсадида ҳукмдорлар томонидан пул ислохотлари амалга оширилган. Жумладан, Қадимги Мессопотамияда 550 г вазнли кумуш бирлиги, Аҳамонийлар шоҳи Доро I томонидан “доройи”(дарик) тангасининг муомаласага чиқарилиши бевосита товар-пул муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, тангалар муомаласининг қонуний йўл билан муҳофазаланиши ишлаб чиқарувчи хўжалик турларининг ривож топишига сабаб бўлган.

Илк ўрта асрлар даври Суғда хунармандчилик ва савдо-сотикнинг юксалишидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар, хунармандчилик ва савдо марказлари тараққиётининг ички, минтақавий ва халқаро савдо-иқтисодий жараёнидаги ўрни каби масалаларни ўрганишда ўлкадаги товар-пул муносабатларини тадқиқ этиш муҳим ўрин тутди. Зеро, товар-пул муносабатларини изчил тадқиқ этмасдан туриб ички ва ташқи савдо-сотик жараёнларини, шунингдек, пул муомаласи муаммосини ёритиб бўлмайди. Чунончи, ички савдо-сотикнинг даражаси энг аввало, мазкур даврдаги товар-пул муносабатларининг ривож ва пул хўжалигининг хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ички савдодаги товар-пул муносабатларининг қай аҳволдалиги эса хунармандчиликнинг ривож топишидаги муҳим омил ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, илк ўрта асрлар даври Суғдадаги товар-пул муносабатлари Буюк Ипак йўли тармоқларида олиб бориладиган савдо-иқтисодий алоқалар билан бевосита боғлиқ бўлган, шу сабабли мазкур давр товар-пул муносабатлари масаласини тадқиқ этишни халқаро иқтисодий алоқалардаги пул муомаласи билан узвий ҳолда амалга ошириш лозим бўлади.

Демак, илк ўрта асрлар даврига келиб халқаро иқтисодий муносабатлар ўзининг юқори ривожланиш босқичига кўтарилди. Олиб борилган кенг миқёсли савдо-иқтисодий муносабатлар Буюк ипак йўли орқали ўзаро боғланган минтақаларда товар-пул муносабатлари тараққиётига замин яратди. Савдо-сотик муносабатларида дастлаб Сосоний шохларнинг кумуш драҳмалари катта мавқега эга бўлиб келди. Ўрта Ер денгизи мамлакатларига ипак хом ашёсини етказиб бериш жараёнида Сосонийлар Эрони билан Туркий хоқонлиги ўртасида вужудга келган зиддиятлар хоқонликни Византия билан яқинлаштирди, бу эса савдо-иқтисодий муносабатларда Византия императорлари олтин солидларининг Буюк ипак йўли тармоқлари (асосан шимолий тармоқда) пул хўжалигидаги мавқеининг ошишига олиб келди. Бироқ, араблар истилоси натижаси ўлароқ, Тан императорларининг бронзадан зарб этилган тангалари Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё мулклари билан Хиндистон мамлакати ўртасида олиб бориладиган савдо-иқтисодий муносабатларда асосий мавқени эгаллади. Бундай ҳолат шубҳасиз, минтақада юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ҳам боғлиқ эди. Бироқ бу жараёнлар Суғдда хунармандчилик соҳаларининг ҳар томонлама ривож топишига халақит бермади, хунармандчилик ва савдо марказларида кўплаб хунармандчилик ишлаб чиқариши соҳалари ривож топди, минтақадаги ички савдо-сотик муносабатлари тараққий этди. Зотан, “..Хитойдан Византияга оқиб кетаётган ипакнинг бир қисми Бухоро, Самарқанд, Чоч, Қошғар, Куча ва Турфонда оғир олтин ёмбилар сифатида қолар ва улардан деҳқон ва тижоратчиларнинг аёллари учун зеб-зийнатлар ясаларди”¹.

Халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг юксалиб бориши ички савдо-сотик жараёнларидаги пул хўжалиги ва товар-пул муносабатлари ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бугунги кунда бу борада маълум бир ёзма манбаларга эгамиз-ки, улар бу борада муайян маълумотлар олиш имконини беради. Жумладан, Наршахий мазкур давр Бухородаги пул хўжалигига доир қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: “Бухорода

¹ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар..-Б. 166-167 б.

дастлабки сийм – кумуш (танга)ни ишлатган киши Коно Бухорхудот эди. У Бухорода ўттиз йил подшоҳ бўлиб турди. Бухорода савдо бўз ва буғдой воситасида бўлар эди. Бошқа вилоятларда кумуш (танга) зарб қилганликлари ҳақида подшоҳга хабар берган эдилар, у ҳам Бухорода соф кумушдан танга зарб қилдириб, унга ўзининг тож кийиб тўрганидаги суратини туширишни буюрди. Бу воқеа амир ул-мўъминин Абу Бакр Сиддиқнинг – ундан Худо рози бўлсин – халифалик даврида бўлиб, (бу кумуш танга) Ҳорун ар-Рашид давригача давом этди”¹. Шунингдек, суғд ёзма ёдгорлиги ҳисобланган Муғ тоғи хужжатлари устида олиб борилган тадқиқотлар натижасидаги маълумотларга кўра, араблар истилоси даврида (VIII асрнинг биринчи чораги) Суғд ҳукмдори бўлган Панжикент ҳокими Деваштич саройида асосий тўлов воситаси сифатида вазни 4 граммдан оғирроқ бўлган кумуш драҳма ҳамда бухорий танга ишлатилганлиги, сотиб олинган маҳсулотларга ушбу пул бирликлари орқали тўловлар амалга оширилганлиги хусусида хулосага келиш мумкин. Бу манбалар Бухоро Суғди ва Панжикентда мазкур даврдаги товар-пул муносабатлари ҳақида муайян маълумотлар беради. Шунинг билан бирга Суғд миқёсида ушбу муаммони тадқиқ этишда нумизматик тадқиқотлар натижалари катта аҳамиятга эгадир.

Илк ўрта асрларнинг илк босқичи, аниқроғи милодий IV асрдан эътиборан бутун минтақа товар-пул муносабатлари тарихида янги жараёнлар вужудга кела бошлайди. Хусусан, Жанубий Суғдда бу даврда қадимги давр анъаналарини акс эттирган, шунингдек, тасвирланиш жиҳатидан Византия тангаларига ўхшаш мис тангалар зарб этилган ва муомалада бўлган. XX асрнинг 60-йиллари охирида ушбу гуруҳга оид тангаларнинг Жанубий Суғднинг ғарбий қисми - Нахшаб ҳудудидан, яъни Қуйи ва Ўрта Қашқа воҳасидан топилиши уларнинг фақатгина Нахшаб мулклигида муомалада бўлганлиги илмий тилга олинган эди. Бироқ кейинги тадқиқотлар давомида бу каби тангаларнинг Кеш мулклиги ҳудудларидан ҳам топилганлиги бу тангаларнинг бутун Жанубий Суғд ҳудуди товар-пул муносабатларида

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос.-Тошкент: Камалак, 1991.-Б.115.

муомалада бўлганлигидан далолат беради. Бизнингча, ушбу жараён кўхна Ерқўрғон шаҳрининг инқирозга юз тутиши ҳамда Кешнинг аста-секинлик билан Жанубий Суғдда ҳукмронлик мавқеини қўлга киритиб боришидаги муҳим мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади. С.К.Кабанов фикрича, ушбу тангалар милодий IV-VI асрларда Нахшабда, келиб чиқиши кушонлар билан боғлиқ бўлган ҳукмдорлар томонидан чиқарилган¹. Бироқ, тангаларда битилган суғдча битикда Кеш топонимининг қайд этилиши бу тангалар дастлаб Нахшабда, кейинчалик Кеш шаҳрида зарб этилгани хусусида хулоса чиқаришга тўртки беради. Буни Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даври тарихида муҳим манба ҳисобланган “Тан шу”да келтирилган қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди: “..Бу давр(VI-VII асрлар)да Нашебо (Нахшаб) Ши (Кеш)га бўйсунгани учун кичик Ши деб аталади”. Аммо масаланинг муҳим жиҳати-мазкур танга пулларнинг Жанубий Суғдда зарб этилгани ва ҳудуддаги ички товар-пул муносабатларида асосий ўрин тутганлигидир.

Шундай қилиб Суғдда товар пул муносабатлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

V-VII аср бошлари - ўлкада маҳаллий конфедератив бошқарув тизимининг вужудга келиши ҳамда туркий қабилаларнинг кириб келиши муносабати билан товар-пул муносабатлари қисқарди. Турли вилоят ҳокимлари томонидан танга пуллар зарб этила бошланди. Маҳаллий ҳокимлар (Суғднинг таркибий қисмларида ҳам) томонидан чиқарилган танга-пуллар асосан, ҳукмрон шахснинг мавқеини англаб эди. VII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Тан империясининг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсирида Самарқанд ихшидлари мавқеининг ошиб бориши билан боғлиқ равишда ихшидлар томонидан мис тангаларнинг зарб этилди, ҳамда улардан ички савдо-сотиқда кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. VIII аср иккинчи ярмида ўлканинг Араб халифалиги иқтисодий тизимига киритилиши билан маҳаллий тангалар муомаласига чек қўйилди.

¹ Исҳоқов М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. -Тошкент: Фан, 1990

Юқорида тилга олинган тадқиқот ва фикрларни таҳлил этсак, мазкур даврда товар-пул муносабатларнинг ўзига хос тизими мавжуд бўлганлигини кузатамиз. Яъни, Суғд худудида товар-пул муносабатлари асосан йирик хунармандчилик, шунингдек савдо марказларида, йирик шаҳарларга яқин ҳудудларда ривож топган. Қишлоқда эса натурал хўжалиги ҳукм суриб, юқори сифатли хунармандчилик маҳсулотларининг асосий қисми юқори табақа вакиллари, шаҳар аҳолиси ҳамда четга чиқариш учун ва қисман кўрғон ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари талабларига кўра ишлаб чиқарилган. Бу эса ўлкада йирик хунармандчилик ва савдо марказлари ва унга яқин бўлган қишлоқ - кўрғонлар ўртасидаги узвий алоқаларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлди. Ўз навбатида, турли воҳаларнинг иқтисодий марказига айланган Суғд шаҳарларининг халқаро савдо – иқтисодий алоқалардаги мавқеига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Демак, мазкур даврда Хитой ҳудудларидан Эрон сарҳадларигача, шунингдек, шимолий йўналишда Византия империясига туташ бўлган йирик Евроосиё ҳудудларида марказлашган салтанатнинг (гарчи бу улкан ҳудудда истиқомат қилган аҳолининг асосий қисми туркигўй бўлса-да) ташкил топмаганлиги, Ўрта Осиё мулкларида маҳаллий аслзодалар ҳокимиятининг ярим мустақиллиги сақланиб қолганлиги, халқаро савдо-транзит йўлларидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожини Суғд худудида маҳаллий танга пуллар зарб этилишида даставвал Сосоний шоҳлар драҳмаларининг, кейинчалик Тан императорлари тангаларининг ва қисман Византия олтин солидларининг катта таъсирини вужудга келтирди. Бироқ, бу жараён минтақа, хусусан, Суғднинг хунармандчилиги ва савдо алоқалари ривожига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Хусусан, Суғд хунармандчилик марказлари савдо-транзит йўлларидаги муҳим нукталар бўлиш билан бирга муайян мулкдаги иқтисодий муносабатлар марказларига айланди, натижада хунармандчилик ва савдо марказларида турли хунармандчилик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари гуркираб ривожланди. Хунармандчилик ва савдо марказлари моддий маданиятида ўзига хос анъана тараққий этди.

2.2. Суғдга олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар таснифи

Суғдда деҳқончилик маданиятининг юксалиши ҳунармандчилик соҳаларининг юксалишига ҳамда савдо-транзит йўллари бўйлаб савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб боришига замин яратди. Ҳунармандчилик соҳалари ҳамда савдо-сотик алоқалари ривожини тадқиқ этишда мазкур даврда Суғдга олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тури ва таснифини тузиш ҳунармандчилик тараққиёти билан бир вақтда Суғднинг маданий юксалиши, жамият ҳаётидаги туб ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши ҳамда давлатчилиги асосларини, шунингдек, турли ўлкалар маданияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик каби масалаларни ўрганиш имконини беради.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг узвий қисми бўлган Ўрта Осиё жамияти ҳаётида ҳам савдо-сотик муҳим ҳўжалик тури ҳисобланган. Савдо-сотик жараёнларини қонуний йўлга солиш ва муҳофаза қилишга доир тўғридан – тўғри манбалар мавжуд бўлмаса-да, жамиятнинг осойишталиги ва давлатнинг мустаҳкамлиги омили сифатида ҳукмрон табақа томонидан доимий равишда уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, “Авесто” матнларида савдогарлар деҳқонлар билан биргаликда алоҳида тоифа(табақа)ни ташкил этган. Ўрта Осиё ҳудудларида қадимдан истиқомат қилиб келган аҳоли тижоратда мохир савдогар сифатида манбаларда тилга олинади.

Кейинчалик Буюк Ипак йўли тармоқларида олиб борилган маданий алоқаларда улар муҳим ўрин эгаллаган. Жумладан, “Хитой билан Ғарб ўртасидаги ипак йўли ва иқтисодий, маданий алоқалар тарихида саклар, хунлар, суғдийлар, турклар ва уйғурларнинг қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Саклар Евроосиё шимолий савдо йўли – яйловлараро ўтган йўлни илк бор очган халқ ҳисобланса, суғдийлар мил.авв. V асрдан бошлаб то X асргача бўлган тахминан 1500 йиллик давр давомида ипак йўли орқали

амалга оширилган алоқаларни ривожлантиришда ниҳоятда улкан ҳисса кўшганлар”. Шу тариқа, қуруқликдаги савдо-транзит йўллари чорраҳасида жойлашган Суғд аҳолиси савдо ишларини мукаммал эгаллаган халқ сифатида тарих саҳнасига чиқди. Хусусан, Хитой йилномаларига кўра, “..хушмуомала бўлиб улғайиши ҳамда пулни маҳкам сақлаши учун у(Кан) ерда туғилган боланинг тилига асал, қўлига эса елим суртишар эди”.

Суғдийларнинг халқаро савдо-сотиқ жараёнларидаги фаолиятлари анча кадимги даврларга бориб тақалади. Бу фаолият асосан шарқий йўналишда бўлиб, аввало, суғдийлар Сирдарё хавзаси ўрта оқимларини “ўзлаштирадилар”. Савдо манфаатлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, суғдийлар мил.авв. IV асрга келиб Хитойга элтувчи асосий йўл – Хэши йўлагига ўз манзилгоҳларига асос соладилар. Шу ўринда Л.Р. Кызласовнинг шарққа фаолиятларини кенгайтирган суғдийлар Суғддан эмас, балки, V-VIII асрларда Суғд маданий таъсири остида ривожланган Чоч худудидан чиққанлиги тўғрисидаги фарази¹ диққатга сазовордир.

Милодий IV асрга келиб, Хэши йўлагига яшовчи суғдийларнинг сони анча кўпаяди. Бу ҳолат Хитойнинг ички худудларида ҳам суғд масканларининг вужудга келишига замин яратган. Шунингдек, шу даврдан эътиборан Хитойнинг Чанъан, Ланчжоу ва бир қанча марказий шаҳарларида ҳам суғд тужжорларининг маҳаллалари пайдо бўла бошлайди. Биргина Дунхуан шаҳрида шу даврда мингга яқин суғдий истиқомат қилган. Шимолий Вэй сулоласи ҳукмронлигидаги ўзаро урушлар натижасида Ланчжоу шаҳрининг император Тай У-ди томонидан босиб олинishi даврида (439й.) кўпгина суғдийлар асир олинади. Улар фақатгина V асрнинг 50-йилларига келиб Суғд ҳукмдорининг элчилари томонидан гаров эвазига қутқариб олинади. Айнан шу даврдан суғдийлар шимоли-шарқий йўналишда ҳаракат қилиб, V аср бошларида Амур бўйи худудларига қадар кириб борадилар.

¹ Исҳоқов М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида.-Тошкент: Фан,1990

Тадқиқотчиларнинг фикрича, суғдийлар бу ҳудудларга сувсар йўли орқали кириб келганлар. Сувсар йўли Еттисув ҳудудидан бошланиб, Жанубий Сибир ва Мўғулистон ҳудудлари орқали ўтган, сўнгра сув йўли орқали, яъни, Онон - Шилка – Амур дарёлари ёки Керулен дарёси – Далай нор кўли – Амур дарёси йўналишида давом этган. Амур дарёсининг Сунгари ва Уссури каби серсув ирмоқлари орқали улар Амурбўйи ва Денгизбўйи ҳудудларига қадар кириб бориш имконига эга бўладилар. Савдо алоқаларининг кенгайиб бориши натижасида Муданцзян ва Сунгари дарёлари ўзаро тутшиб кетувчи жойда, ҳозирги Илани ҳудудида, Хитой манбаларида “Угочэн” номи остида тилга олинган суғдийларнинг савдо қароргоҳи ташкил топади. Угочэнликлар шимолдаги қабилалар билан ҳам фаол савдо-сотик қилганлар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, “Угочэн” атамаси Хитой тилида “бешта мулклик”, “бешта шаҳар” маъноларини англатган ва бу атама суғдийларнинг шаҳарларидан бири Панжикент номи билан алоқадор бўлган.

Жанубий йўналишда суғдийлар Ҳинд воҳасига қадар кириб борадилар. Милодий I асрга келиб суғдийларнинг бу минтақадаги фаолияти ҳам кучаяди. Бу борада уларнинг савдо-сотик амалиётига оид суғдий ёзувлар муҳим тарихий манба ҳисобланади. Жумладан, XX асрнинг 80-йилларида Шимолий Хиндистон ҳамда Покистоннинг тоғли ҳудудларида (Қоракурум водийси) олиб борилган тадқиқотлар давомида Олмон-Покистон экспедицияси томонидан ўн минглаб қоятош суратлари ҳамда 1,5 мингдан ортиқ жами 17 тилда битилган ёзув намуналари аниқланган. Бу ёзувлар устида амалга оширилган изланишлар уларнинг 250 дан ортиғи суғдча ёзувлар эканлигини тасдиқлади. Бу ёзувларда Суғдлик савдогарларнинг исмлари, шунингдек, уларнинг Кеш ва Маймурғ каби Суғднинг таркибий қисмларидан эканлиги тўғрисида маълумотлар сақланган. Қоракурум ҳудудидаги Шатиал ва Чилос каби савдо-транзит йўлларидаги бу суғдий ёзувлар Суғд савдо аҳлининг бу ҳудудларда милоднинг I асридаёқ ўз савдо пунктларига эга бўлганлигини тасдиқлайди.

Суғдийларнинг халқаро савдо-сотиқ жараёнидаги фаол ҳатти-ҳаракатлари илк ўрта асрлар даврига келиб сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. Айниқса, Суғднинг Туркий хоқонлиги таркибига киритилиши ҳамда хоқонлик билан муштарак манфаатлар¹ уларнинг ташқи савдо-сотиқ жараёнларидаги кенг миқёсли фаолиятига замин яратди. Бу муштарак манфаатлар, энг аввало, шойи газламалар савдосида яққол кўзга ташланади, Чунки, хоқонлик томонидан бунгача Шимолий Хитой давлати тобе этилган бўлиб, Вэй Чжоу империяси саройига ҳар йили ўлпон тарзида 100 минг парча шойи газлама тўлаш мажбурияти юклатилган эди. 100 минг парча ўз даври учун қанчалик катта ҳажм эканлиги табиий бўлса, бу “ўлпон”ни Ғарбга олиб бориб сотиш ва соҳада доимий етакчилик қилиш суғдий савдогарлар учун катта даромад манбаи эди.

Суғдийларнинг кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқалари Суғдга олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида изчил тадқиқотлар амалга оширилишини тақозо этади. Бу борада бугунги кунга қадар муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, уларни умумлаштириш ва тизимга солиш муҳим ҳисобланади. Ёзма маълумотлар, жумладан, Хитой йилномалари мазкур даврда мунтазам равишда Суғд ҳудудларидан совға-салом сифатида юксак хунармандчилик буюмлари келтириб турилганлиги хусусида маълумотлар келтирилади. IX –X асрларда яшаб ўтган араб географлари асарларида ҳам Суғд ҳудудида илк ўрта асрлардан сифатли маҳсулотлар тайёрланганлигини, бу маҳсулотлар кўшни ўлкаларда ҳам юксак қадрланганлиги қайд этиб ўтилади.

Илк ўрта асрларда Шарқий мамлакатлар, хусусан, Хитойдан Ўрта Осиёга юборилган қимматбаҳо совғалар орасида шойи газламалар билан бирга олтиндан ишланган от ҳайкали, бронза тошойна ва ибодатхона ҳайкалчалари каби маҳсулотлар ҳам бўлган. Ўз навбатида, Ўрта Осиё ҳудудидан Хитойга “самовий отлар”, биллур (хрустал) идишлар, аниқ рангли

¹ Отахўжаев А. Турк-суғд карвон йўллари – сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник муштараклик. -Ташкент, 2006.-С.146.

шиша, Самарқанд ва Хутталон парчаси, (Панжикент) нақш солинган (гулли) жун газламалари каби хунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган.

Келтирилган рўйхатдан кўриниб турибдики, четга чиқарилган маҳсулотлар орасида турли газламалар муҳим ўрин тутди. Бу табиий ҳол, албатта, чунки Суғдда VII асрдан бошлаб ўзига хос усулда шойи газлама тўқишнинг ривожланганлиги бу каби маҳсулотлар сифатининг юқори бўлишини таъминлаган эди. Шунингдек, газламаларга босилган гулдор ва жимжимадор безаклар Хитой шойи газламасига нисбатан ўзига хос устунликка олиб келган. Шу сабабли бу каби маҳсулотлар Хитой ипаги билан рақобат қилиб, Шимолий Кавказ ва Қора Денгиз бўйи ҳудудларига, ҳатто Византияга чиқарилган. Зандананинг шойи матосидан тўқилган гобелен(деворга осиб қўйиладиган безакли гилам)нинг Ғарбий Европадан топилганлиги ҳамда ўз сифатини ҳанузга қадар йўқотмаганлиги маҳсулот сифатига берилган алоҳида эътиборни англайди. Қолаверса, тўқимачилик маҳсулотлари орасида пахта газламаси араблар босқини арафасида Араб халифалигига ҳам кўп миқдорда чиқарилган. Хусусан, “Араб Халифалигига етказилиб бериладиган хом ашё ва газламанинг асосий қисми Ўрта Осиё (Суғд) ҳудудидан етказиб берилган”. Суғд ҳамда Шарқий Туркистонда тўқилган пахта матоси Хитойда ҳам қадрланган. Тўқимачилик маҳсулотлари орасида жундан тўқилган гиламлар ҳам Суғддан Хитойга чиқарилган маҳсулотлар орасида муҳим ўринга эга бўлган. Бу каби гиламлар асосан, Панжикентда тайёрланган. Шарқий ўлкаларга, хусусан, қимматбаҳо тош ва Суғд кандакорлиги намуналари ҳам чиқарилган. Сўнгги йилларда Датанг вилоятида топилган Шимолий Вэй сулоласи даврига оид суғд маданиятига хос буюмларнинг, жумладан, кумуш ва тилладан ясалган идиш - товоқларнинг кўплаб топилиши бунга исбот бўлади. Ўз навбатида бундай маҳсулотлар Шарқий Европа, Қора денгизбўйи мамлакатлари ва Ғарбий Европа ҳудудларида кенг тарқалган. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Суғддан 717 йилда Хитой императорига совға тариқасида юборилган ҳарбий

бош кийим-дубулға нусхаси асосида империя ўз қўшинини дубулғалар билан таъминлаган.

Хитойдан келтирилган маҳсулотлар орасида шойи газламасидан сўнг асосий ўринни бронза тошойналар ташкил этади. Жумладан, айнан шу ойналар таъсирида Суғдда бронза ойналар тайёрлаш кенг йўлга қўйилади. Суғдда тайёрланган тошойналар сувсар йўли бўйлаб Жанубий Сибир ва Амур дарёси бўйларига қадар кириб борган. Бу ҳудуддан шу каби иккита тошойна топилган. Шунингдек, бронза тошойналарнинг Ўрта Осиё бўйлаб ҳамда Шимолий Кавказда кенг тарқалишида ҳам суғдийлар муҳим ўрин тутган.

Суғднинг мазкур даврдаги савдо-иқтисодий алоқаларида кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик муҳим ўрин тутди. Жумладан, ўлканинг шимоли-шарқий ва ғарбий сарҳадлари билан туташ ҳудудларда яшаган кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик сердаромад ҳисобланган. Бу жараёнда савдо-сотикнинг энг қадимги даврда шаклланган маҳсулот айрибошлаш тури кенг ёйилган эди. Айрибошлаш савдо-сотикдаги муҳим босқич ёки ҳолат бўлиб, Ўрта Осиёда яқин вақтларгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, тадқиқотчи З.Мадрахимовнинг фикрига кўра, Қўқон хонлигидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли билан савдо муносабатларида айрибошлаш савдоси амал қилган. Хусусан, икки кийимлик Қўқон олача газламаси етилган қўйга айрибошланган¹.

Кўчманчи қабилалар орасида Суғд ҳунармандлари томонидан тайёрланган қуролсозлик маҳсулотларига талаб ниҳоятда катта бўлган. Одатий қурол – яроғ билан бир вақтда мазкур даврда Суғдда тайёрланган ва юксак бадий ва жимжимадор безаклар билан бойитилган ҳамда қимматбаҳо тош ва металллар билан ишлов берилган жанговар қуроллар кўчманчи қабила зодагонларининг муҳим ашёсига айланган. Хусусан, Ўрта Осиёнинг кушон-сосоний жамияти ихтироси бўлмиш хайвон суяги ёки шоҳлари билан

¹ Мадрахимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фанл.номз..дисс.автореферати. - Тошкент,2009.-Б.15.

безатилган мураккаб шаклдаги камонлар¹, турли тошлар ёки қимматбаҳо металл билан безалган камарлар, теридан сифатли тайёрланган ғилофли қимматбаҳо қилич ва ханжарлар, шунингдек, баланд, оқ рангли жун (кигиз) бош кийимлари харидоргир бўлган. Қолаверса, кўчманчилар орасида устахоналарда бежирим қилиб тайёрланган от анжомлари ҳам қадрланган. Бу анжомлар одатда, турли қимматбаҳо металллар ёки безаклар билан безатилган. Ўз навбатида ўтроқ воҳаларга кўчманчи қабилалардан катта миқдорда жун ва тери маҳсулотлари келтирилган. Тери маҳсулотларидан Суғд маданияти ва ҳунармандчилиги намунаси – сифатли этиклар тайёрланган. Ўз навбатида, Хитой манбаларида келтирилишича, суғдийлар кўчманчи қабилалардан ҳарбий кийим-кечакнинг атрибути ҳисобланган чарм этикларни айрибошлаганлар.

2.3. Савдо-транзит йўллари ва ташқи иқтисодий алоқалар ривож

Илк ўрта асрлар даврига келиб Суғднинг, умуман, Марказий Осиёнинг савдо-сотиқ йўллари тизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлди, бу даврда минтақада юзага келган туб ижтимоий-сиёсий ҳамда экологик ўзгаришлар ички ва ташқи савдо-иқтисодий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятларига ҳамда йўналишларига катта таъсир этганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, миладий IV асрдан VI аср ўрталарига қадар бир неча туркий сулолалар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ҳамда VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Туркий хоқонлиги таркибига киритилиши минтақада янги сиёсий вазиятни юзага келтирди. Бундай ҳолат ўз навбатида, қадимги даврларда шаклланган анъанавий савдо-иқтисодий алоқалар ва транзит йўллари йўналишларига ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, энг қадимги ва антик даврда қарор топган савдо ва транзит йўлларининг айрим йўналишлари ўз

¹ Коробкова Г.Ф. Древний и средневековый Самарканд на Великом шелковом пути // Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Тошкент-Самарканд, 2007.-С.104-109.

аҳамиятини йўқотиб, улар ўрнида мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ ҳолда савдо ва транзит йўлларининг янги тармоқлари шаклланди.

Савдо-транзит йўллар муаммосини тадқиқ этишда энг аввало, халқаро (трансмонтавий) аҳамиятга молик бўлган йўналишларнинг таҳлили муҳимдир. Бугунги кунга қадар бу масала юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар орқали илк ўрта асрлар даври халқаро савдо-транзит йўлларига оид муҳим хулосалар чиқариш мумкин. Шубҳасиз, халқаро аҳамиятга молик бўлган савдо-транзит йўллари ва йўналишларини аниқлаштиришда Хитой манбаларидаги маълумотлар катта ўрин тутди. Ушбу манбалар устида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили савдо-транзит йўллари ҳақидаги аниқ маълумотлар босқичма-босқич тўпланиб борганлигини кўрсатади. Бу маълумотлар асосан, Хитой давлатининг ғарбий ўлкаларга турли мақсадларда юборилган элчилик миссияларининг ҳисоботи тарзида сақланган. Шубҳасиз, бу элчилик миссияларининг олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири - ғарбий ўлкалар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятларини ўрганишдан ҳам иборат бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ёки савдо-сотиқ марказлари ҳамда йирик шаҳарлар орқали ўтган марказий йўналиш доимий равишда халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожига муҳим ўрин тутган. Қадимги даврларданок ушбу йўналиш орқали Суғд жанубда Ҳиндистон, ғарбда Ўрта Ер денгизи соҳилларидаги мамлакатлар, шимолда эса кўчманчи қабилалар ҳамда шарқда Хитой империяси ўртасидаги савдо-транзит алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Кўрилаётган даврнинг дастлабки босқичларида (V-VI асрлар) Суғдни жанубий йўналишдаги савдо-транзит алоқаларида Темир Дарвоза орқали Тоҳаристон ва Ҳиндистон, ғарбий йўналишда Амударёдаги Келиф ва Карки каби кечувлар орқали эса Эрон, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари билан боғлаган йўл тармоқлари муҳим рол ўйнаган. Бироқ, VI асрнинг иккинчи

ярмида Туркий хоқонлиги ва Сосонийлар империяси манфаатларининг ўзаро тўқнашуви туфайли марказий йўналиш маълум муддат ўз аҳамиятини йўқотади.

Византиядаги ипакка бўлган талаб ҳамда Туркий хоқонлиги ихтиёрида бўлган катта миқдордаги ипак маҳсулотларини сотиш ва ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиш эҳтиёжи бу салтанатлар орасида янги савдо-транзит йўлини излаб топиш заруратини вужудга келтирди. Ушбу зарурият туфайли савдо-иқтисодий алоқаларда қадимги даврлардаги Дашт йўли негизида хоқонликнинг муҳим марказларидан бири – Еттисувдан Қозоғистон даштлари орқали ҳамда Хоразм воҳасидан Манғишлоқ, Қуйи Волгабўйи, Кавказорти ва Қора денгиздан Трапезунд орқали Константинополга олиб боровчи савдо-транзит йўналиши муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Византия императори Юстин II нинг Земарх бошчилигидаги Туркий хоқонлигига жавобан юборилган элчилик миссияси ҳақида маълумот қолдирган Менандр эсдаликлари ушбу савдо-транзит йўли ҳақидаги муҳим манба ҳисобланади. Жумладан, манбада элчилик миссиясининг қайтиш чоғидаги йўналиши доирасида ушбу савдо-транзит йўлининг батафсил баёни келтирилади. Бу маълумотлар устида олиб борилган тадқиқотлар таҳлиliga кўра ушбу йўналиш Оиҳ (Сирдарё) дарёси – Катта бир кўл (Орол денгизи) – Ик (Эмба) дарёси – Даиҳ (Урал) дарёси орқали ўтган¹. Бу йўналишдаги савдо-иқтисодий алоқаларда Ғарбий Суғд муҳим географик ўринни эгаллайди.

Халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ва савдо-транзит йўллари аҳамиятининг ортиб бориши ўз навбатида, Суғдда ички йўлларнинг ривожланиб боришига замин яратди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, илк ўрта асрлар даврида урбанизация жараёнлари асосан янги қурилган шаҳарчалар ва уларнинг атрофидаги қалъа-қўрғонлар ҳисобига ўсди, чорвадор қабилалар орасида ўтроқ ҳаётга ўтишнинг жадаллашуви

¹ Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари.-Тошкент: Академия,2004.-Б.71; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари.. б.143.

хунармандчилик соҳаларининг кўпайиши ва кенгайишига, бу эса савдо-сотиқнинг ривожланишига тўғри келди. Бироқ, бу даврдаги ички савдо ва ташқи савдо-иқтисодий алоқалар ривожига Суғднинг Буюк Ипак йўли чорраҳаларида жойлашган йирик шаҳарлари ўз мавқеини сақлаб қолди. Шу сабабли ички савдо-алоқа йўлларини тадқиқ этишда энг аввало, Суғд марказий шаҳарларини ўзаро боғлаб турувчи йўллар ва ушбу йўллардаги бекат вазифасини ўтаган манзиллар хусусидаги тадқиқотлар таҳлилига тўхталамиз.

Суғднинг ички йўллари қадимдан минтақанинг нафақат ижтимоий, этник ва маданий, балки савдо-иқтисодий ривожига ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Савдо-алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланиши соҳа мутахассисларининг доимий диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, қадимги давр Ўрта Осиё урбанизацияси ва илк шаҳарлари борасида муҳим изланишлар олиб бораётган олим Б.Эшов ўзининг “Милоддан аввалги VII-IV асрларда Суғдиёна тарихи ва маданияти” номли тадқиқотида қадимги (ички) йўллар ҳамда уларнинг Суғдиёна тараққиётидаги ўрни борасида муҳим хулосаларни келтиради¹.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг қадимги савдо йўлларини тадқиқ этишга қаратилган, ЮНЕСКО ҳамда Марказий Осиёни тадқиқ этиш Халқаро Институти ҳомийлигида минтақа бўйлаб амалга оширилган турли археологик экспедициялар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда, жумладан, турли халқаро илмий, илмий-амалий анжуман, симпозиум ва илмий тўпламларда ҳам Суғднинг ички йўллари ҳақида муҳим маълумотларни олишимиз мумкин. Қолаверса, сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг алоқа-коммуникация йўллари борасида изчил изланишларни олиб бораётган Ў.Мавлонов тадқиқотларида ҳам бу борадаги қимматли маълумотларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу ва бошқа кўплаб маълумотларни таҳлил этиш асосида Суғднинг таркибий қисмларидаги ички савдо йўлларига тўхталамиз.

¹ Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII- IV асрларда Суғдиёна тарихи ва маданияти. Тарих фан.номз.дисс.-Т.,1999.-Б.96-111.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, минтақада ҳукмронлик қилган туркий сулолалар даврида Ўрта Осиёда маҳаллий бошқарув тизими деярли тўлалигича сақлаб қолинди. Марказий ҳокимият билан бўлган муносабат ва тегишли ижтимоий-иқтисодий вазият сабабли Суғднинг кўрилаётган давр савдо-иқтисодий алоқалардаги иштироки ва мавқеи барқарор ривожланиб борди. Бу эса Суғднинг ички савдо ва ташқи савдо-транзит йўллариغا сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан, эфталийлар ҳукмронлиги даврида Жанубий Суғднинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи анча ошади. Аввало, Қуйи Қашқадарёдаги Нахшаб шаҳрининг ҳукмдор қароргоҳларидан бири бўлганлиги, кейинчалик эса Кеш шаҳрининг маълум муддат бутун Суғднинг сиёсий марказига айланганлиги ва энг муҳими, воҳа ҳудуди орқали Марказий Суғддан Жануби-Шарқий Эрон, Тоҳаристон ва Ҳиндистон ҳудудларига олиб борувчи муҳим савдо-транзит йўлининг ўтганлиги Жанубий Суғднинг савдо-иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин эгаллашига олиб келган эди.

Нахшаб ва Кешни воҳанинг шу даврдаги марказий шаҳарлари сифатида уларни, том маънода, ички йўлларнинг асосий бошланғич нуқтаси деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, бу шаҳарлар географик жиҳатдан воҳанинг ғарбий (қуйи) ва шарқий (юқори) ҳудудларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий марказлари сифатида қадимдан мавжуд бўлиб келган¹. Ҳар иккала шаҳар ички йўллар орқали Самарқанд Суғди билан боғланган бўлиб, бу йўналишлар ички савдо ва транзит алоқаларда муҳим ўрин тутган. Жумладан, Самарқанддан жанубга кетувчи асосий йўлларнинг бир йўналиши Жом довони орқали ҳозирги Кўкдала даштлари ва Қўнғиртоғнинг шимолий ёнбағирлари орқали ўтган (11-расм). Бу ҳудудда илк ўрта асрларда ўтроқ маконлар кам учрайди. Улар асосан, кўчманчи чорвадор қабилаларнинг қишлоқ қароргоҳлари ва қудуқлари бўлиб, улар Самарқанд-Нахшаб йўлининг муҳим бекатлари вазифасини бажарган. Шу билан бирга воҳадаги қадимги йўлларни ўрганиш давомида тўпланган маълумотлар Самарқанд-Нахшаб оралиғидаги даштларда мазкур даврдан йирик истехкомлар

¹ Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар.-Тошкент: Шарқ,1998.-Б.10-44.

кўринишидаги кўрғонлар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, Кўкдаладан 20 км.ча ғарбда жойлашган Хазорбуқа ва Қоратепа ёдгорликлари¹ шу даврда маҳаллий чорвадорларнинг қишлоқ қароргоҳлари бўлиши билан бир қаторда савдо-транзит йўлининг оралик бекатлари сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Суғднинг йирик савдо марказлари Самарқанд ва Бухородан келувчи йўллар Нахшабда туташиб, бу ердан жанубий йўналишда Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлари – Келиф, Керки, Бурдалиққа олиб чиққан. Бу йўналиш қадимги даврлардан Суғднинг ғарбий ўлкалар билан савдо-иқтисодий алоқалари ривожига муҳим ўрин тутган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиб ўтиш мумкинки, туркий сулолалар ҳукмронлигининг ўрнатилиши Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари ривожига замин яратди. Турк хоқонлиги ва Суғд савдо аҳлининг муштарак манфаатлари эса Суғдда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг тараққий этишига ҳамда халқаро савдо-сотик жараёнларида юқори мавқе эгаллаган суғдий тужжорларнинг илк ўрта асрлар даврида бу борада катта ютуқларга эришишига олиб келди. Суғд савдогарлари фаол савдо-иқтисодий алоқалар олиб бориш билан бир қаторда мазкур давр маданий ютуқларининг кенг ёйилишида ҳам муҳим ўрин эгалладилар.

¹ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари...-Б.134.

III-БОБ: “V-VII АСРДА СУҒДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО СОТИҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ” мавзусини ўрганиш усуллари

I.Мавзу:V-VII асрда суғда ҳунаромандчилиги ва савдо сотиқнинг ривожланиши

II.Мақсад: Ушбу мавзу орқали ўқувчиларга V-VII асрларда Суғда ҳунаромандчилиги ва савдо-сотиқнинг ривожланиши тўғрисида тушунтириш.

A)Дарснинг тарбиявий мақсади.

Ушбу мавзу орқали ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Б). Дарс жихози: Дунё сиёсий харитаси техника воситаси-графапроектор тарқатма материаллар мавзуга оид жадвал.

В). Дарс услуби: Бахс-мунозаралари.

Янги педагогик технология асосида.

1. Ақлий ҳужум-5д
2. Гуруҳ билан ишлаш -10д.
3. Ўтилган ва янги мавзу. 15-д.
4. Амалий машғулоти. 5-д.
5. Уйга вазифа. 5-д.

Ташкилий қисм:

III. Ақлий ҳужум.

Суғда қандай заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ривожланган эди?

Жавоблар доскага ёзиб борилади.

Бошга тақиладиган тақинчоқлар, исирғалар, бўйин ва кўкракка тақиладиган тақинчоқлар, билагузуклар, узуклар.

Суғдаги тараққиёт заргарлик маҳсулотларини кенг миқёсда ишлаб чиқариш имконини берган эди. Бу эса қимматбаҳо маъдан – олтин ва кумушдан ҳар қил шаклдаги санъат даражасига кўтарилган юксак бадиий маҳсулотлар тайёрланиши учун замин яратди. Соҳа ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири анъанавий тақинчоқлар билан бир вақтда йирик ҳажмдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилганидир.

Ўқитувчи томонидан берилган жавоблар изоҳланади.

IV. Янги мавзу баёни:

Суғдда хунармандчилик ривож.

Хунармандчилик – қадимдан жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида ишлаб чиқарувчи хўжаликда муҳим ўринга эга бўлган. Мамлакатимиз халқлари қадимги даврларданок турли хунармандчилик соҳалари билан шуғулланиб келганлар, бу борада ўз мактаблари ва анъаналарини, услуб ва йўналишларини яратганлар. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бутун Ўрта Осиёда, шу жумладан, Суғдда ҳам урбанизацион жараёнларнинг кучайишига олиб келди.

V. Амалин машғулот.

Суғдда савдо-сотиқнинг ривожланиши? Деган саволга киска, аниқ жавоб ёзиш.

VI. Дарсни якунлаш.

Ўқувчиларни дарс жараёнида фаол иштирок этган ўқувчиларни ва гуруҳларни изоҳли баҳолаш.

Уйга вазифа

Мавзу ни ўрганиш.

IV. БОБ.

2. Машғулот жараёнида ўқувчи фаол шахс сифатида ўзи мустақил фикрлаши, бир ҳил моҳиятли ходисаларни тушуниб, таҳлил этиши натижасида воқеа-ходисаларда яширинган кўзга яққол кўринмайдиган баъзи тафсилотларни мустақил равишда оча олиш, хусусийликларни умумийликка бирлаштира олиш қобилиятини ўзида ривожлантириши лозим. Шундагина, биринчидан ўқувчида дарс-машғулотга қизиқиш кундан-кунга ортиб боради.

Иккинчидан, ўз шахсий таҳлили натижасида ҳосил қилинган билим, кўникмалар унинг хотирасига ўрнашади.

Учунчидан, мустақил тарихий-таҳлилий усул билан ҳосил қилинган малака ва кўникмаларни ўқувчиларнинг ўзи бошқа мавзуларни ўзлаштиришда эркин фикрга эга бўлади.

Ўқитувчи эса ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини, изланишини, ижодкорлигини бошқариб боради.

Ўқитувчининг олдида тўрган муҳим вазифа кўргазмалар, тарқатма варакалар, турли красвордлар, тест саволлари орқали ўқувчиларга мустақил иш ва топшириқлар бериш йули билан ўқувчиларнинг ўрганилаётган давр моҳиятини мустақил равишда очишларига йуналтиришдан иборат. Факат шу усул билан ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмалари ва тарихий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш мумкун. Тарихни ўқитишда таълимнинг турли метод ва усулларида бахс-мутюзара, суд дарси, суҳандонлик дарси, билимларни мустаҳкамлаш дарси, унумлаштириш дарси-ноаънавий дарсларда уз урнида фойдаланиш яхши натижа беради³.

Дарс жараёнида красворд, чайнворд, хронорогик топшириқларнинг жавобини топиш, тарихий лото, турли викторина саволларига тугри жавоб топиш, ўқув ўйинлари «Ақлий хужум», «Музёра», «Қарорлар шажараси», «Ёзма бахслар», «Менинг фикрим» ва хоқозо усуллардан фойдаланиш пироворд натижаси (Мониторинчи) ўқувчиларда қуйидаги кўникма ва малакани шакллантиради.

1-босқич	Ўрганиш	Эсда сақлаш
II-босқич	Тушуниб етиш	Ўзлаштирганини исбот эта билиш
III-босқич	Таҳлил эта билиш	Қиёслаш, хулоса чиқариш, узаро боғлаш
IV- босқич	Тадбик эта иш	Қоида қонунини англаш ва қуллаш

³ Таълим тараққиёти журнали. Т, 2001, №3.

V-босқич	Синтеч	Ахборотни ижотий кпйтя иттгш отиттт
VI-босқич	Бахо олиш	Янги билимга угиш

Бундай тизимда ўқувчи ҳам ўқитувчи ҳам машғулот жараёнига биргаликда маъсулдирлар.

Бу уқвчига «Сен буни билишинг керак» деган мажбурловчи даъватдан «Менга бу зарур ва мен буни билишга, уни таҳлил қилиб, хулоса чиқаришга қодирман» деган ички ишонч ва интилишни юзага келишига олиб келади.

Педагогик технология танлашда ва ўқув машғулотида жорий этишда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- 1.Конкрет давр, босқич учун танланган усулнинг мос келиши.
- 2.Таълим мазмунига мос келиши.
- 3.Ўқувчиларнинг психологик ва физиологик имкониятларига мос келиши.
- 4.Синфларда таркиб топган ўқувчиляр гуруҳининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш.

5.Қўйилган мақсадга эришиш учун педагогик жараённи яратиш.

6.Машғулот жараёни даврида юзаш келиши мумкин бўлган кийинчиликларни бартараф этиш тизимини ишлаш чиқиш ўқувчилардан тарихий шароитни яхши билиш, ўрганилаётган воқеаларнинг сабаб оқибатлари ва аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда теран тушуниш кўникмасини шакллантиришда далиллар билан қонунятлар яққоллик билан маҳхумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур.

Бунда тарихий муаммолар бўйича фикр алмашишга мўлжалланган шчанлик ўйинлари аҳамиятга эга. Бу ўйинни ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

- аввало ишчанлик ўйинининг йуналиши ва мақсадини аниқ белгилаб олиш ;
- ишчанлик ўйинининг сценарийсини ишлаб чиқиш;

- сценарий бўйича ўқувчиларни танлаш ва ўйин ролларини тақсимлаш;
- ўйинни мақсад ва режага мос ҳолда бошқариб бориш;
- ўйинни якунлаш, эришилган натижалардан хулоса чиқариш жаҳон тарихининг янги ва энг янги давлари тарихини ўқитишда ўрганилаёпти, кутилаётган ўқув даври (чоракла,. биринчи ярим йиллик ва ўқув йили якуни) ёки ўқув мавзуси учун, синфлар ва фанлар кесимида камида икки вариантда назорат (тест саволлари, ёзма иш материаллари ва бошқалар) тўпламлар тайёрланади. Ишлаб чиқилган назорат материаллари таништириш бўлимлари ва секторларида жамланади, тизимга солинади ва мониторинг жараёнида қўлланилади¹.

Мазкур материаллардан умумтаълим мактаблари раҳбарлари ҳам мактаб ички назорати доирасида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон тарихи учун назорат материалларини тайёрлашда Д.Т.С. ва ўқув дастурларида кўзда тутилган ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий билим, кўникма ва малакалар қамраб олинади.

Вариантлардаги бирдай рақамга эга саволларнинг ҳар бири аниқланаётган билим кўникма ва малакалар рўйхатига мос равишда ўзаро мутоносиб равишда тузилишига қатъий эътибор қаратиш лозим.

Тайёрланган назорат ишлари вариантларни пухта текшириб чиқилган тест калитлари яъни назорат ишларининг жавоблари билан таъминланади.

Нazorat ишлари бўйича ўқувчи жавобларни қайд этиш учун «ўқувчининг жавоб варақаси» тайёрланади, жавоб варақаси фан ўқитувчиси томонидан текшириб якунланади.

Мониторинг тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларнинг пайдо бўлиши сабабларини ўрганиш, шу асосда бўшлиқларнинг пайдо бўлишини олдини олиш ва таълим самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли чора тадбирлар белгилаш ва уларнинг изчил амалга оширишдир. Мажбурий таълим минимумларни тўлиқ

¹ Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари. Т, 1999.

Ўзлаштира олмаган ҳар ўқувчи билан ўзлаштирилмаган билим, кўникма ва малакалар (БКМ) нинг элементлари бўйича қўшимча маълумотлар ўтказиш, вазифалар бериш ва назорат қилиш йўллари орқали мавжуд бўшлиқларни бартараф этишга эришишдир.

ХУЛОСА

Мазкур битирув – малакавий ишида илк ўрта асрлар даври Марказий Осиёнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида, минтақанинг турли алоқаларида муҳим ўрин тутганлиги илмий жиҳатдан асосланган Суғднинг ҳунармандчилиги ва савдо – иқтисодий алоқалари тарихи тадқиқот марказида бўлди. Ушбу йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб борган муаллиф шуни эътироф этадики, маълум тарихий даврда муайян халқлар, жамиятлар, тарихий – маданий ўлкалар ва вилоятлар, цивилизациялар ўз мавжудлик тақдирида шаклланиш ва пайдо бўлиш, ривожланиш ҳамда инқироз жараёнларини бошдан кечиради. Ушбу мавжудлик даври давомида улар ўртасида турли алоқалар, ўзаро таъсир ва боғлиқлик тартиби каби қонуниятлар мавжуд бўлади. Илк ўрта асрлар Суғд ҳудудида бўлиб ўтган тарихий – маданий тараққиёт жараёнларини ҳам кўп ҳолларда айнан мана шу алоқалар ва боғлиқлик тартиби қонуниятлари белгилаб берган эди.

Илк ўрта асрлар Суғд тарихи тадқиқотларининг таҳлили шуни кўрсатади-ки, бугунги кунга қадар тарих фанининг муҳим тармоқлари бўлган манбашунослик таҳлиллари ҳамда археология соҳасида мамлакатимиз ҳудудида изчил тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бу тадқиқотлар давомида кўлга киритилган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши намуналари ва улар асосида чиқарилган илмий хулосалар мазкур давр Суғд ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий, маданий алоқалари тарихини алоҳида тадқиқ этиш имкониятини яратди. Ушбу имкониятдан келиб чиқиб битирув – малакавий ишида Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми ҳисобланган Суғднинг илк ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги, ҳунармандчилик маҳсулотлари таснифи (классификацияси), ҳунармандчилик ишлаб чиқариши заминида ривож топган ички ҳамда ташқи савдо-иқтисодий алоқалари, пул хўжалиги ва товар-пул муносабатлари, савдо – транзит йўллари каби масалалар бўйича умумлашма ва қиёсий – таҳлилий тадқиқотлар олиб бориб қуйидаги хулосаларга келинди:

- Суғд цивилизациясининг марказлари ҳисобланган ҳамда асослари янада қадимгироқ даврларга бориб тақаладиган илк ўрта асрлар шаҳарларининг моддий маданияти, уларнинг иқтисодий тараққий этиши ҳамда халқаро алоқалари тарихи Суғд давлатчилиги ривожига тарихий – маданий жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда кечган;

- Илк ўрта асрлар арафасида Марказий Осиёдаги табиий – экологик, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий вазият Ўрта Осиёда жиддий тарихий – демографик ўзгаришларга сабаб бўлди. Қулай табиий – географик ҳудудда жойлашган Суғдда бу жараён кенг тус олди. Суғддаги Самарқанд, Панжикент, Бухоро, Пойканд, Кеш, Нахшаб каби марказий шаҳарлар билан бир вақтда Амударё кечувларида жойлашган Фороб, Карки, Калифга қадар ҳамда Уструшона чегараларидан Темир Дарвозагача бўлган ҳудудларда илк ўрта асрлар ҳунармандчилиқ марказлари, кўрғон ва қалъалар, қишлоқлар тизими шаклланди. Бу жараёнда Суғд тарихига хос бўлган икки ҳолатни ажратиш мумкин. Биринчидан, бу даврда Суғд ҳудудидаги ишлаб чиқариш хўжалиги тараққиётида муҳим бўлган фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги ҳамда уларни ўзлаштиришда катта тажрибанинг тўпланганлиги ҳунармандчилиқ ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, иккинчидан, халқаро савдо – транзит йўли тармоқлари орқали олиб борилган ўзаро савдо алоқаларида Суғд савдогарларининг фаол иштироки маҳаллий ҳунармандчилиқ соҳаларини қўшни ва олис мамлакатларда эришилган янги ютуқлар, услуб ва усуллар билан бойитиб бориш ҳамда ҳунармандчиликнинг янги соҳалари вужудга келишини таъминлади;

- Суғд ҳудудларида узоқ йиллар мобайнида олиб борилган археологик изланишлар, соҳага доир амалга оширилган манбашунослик, этнографик, геологик тадқиқотлар таҳлили илк ўрта асрлар даври ҳунармандчилиқ соҳаларининг қуйидаги таснифини тузиш имконини берди: 1)кундалиқ ҳамда хўжалиқ маҳсулотлари ҳунармандчилиги (кулолчилик ва металлсозлик); 2)тўқимачилиқ маҳсулотлари ҳунармандчилиги (либослар, кўнчилик маҳсулотлари ва гилам тўқиш); 3)заргарлик буюмлари ҳунармандчилиги

(турли хилдаги тақинчоклар тайёрлаш); 4)бадий безак ҳунармандчилиги (турли ҳунармандчилик маҳсулотларига бадий сайқал бериш); 5)қурилиш ашёлари ҳунармандчилиги (шаҳарсозлик маданиятига хос бўлган безакли – рангдор маҳсулотлар ва устунлар тайёрлаш); 6)қуролсозлик ҳунармандчилиги;

- тадқиқотлар таҳлилларига кўра, ички ва ташқи савдонинг даражаси энг аввало, мазкур даврдаги товар – пул муносабатларининг ривож ва пул ҳўжалигининг хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ички савдодаги товар – пул муносабатларининг қай даражада бўлиши эса ҳунармандчиликнинг ривож топишидаги муҳим омил ҳисобланади.

Илк ўрта асрлар даврида Суғд ҳунармандчилик марказлари савдо – транзит йўлларидаги муҳим нуқталар бўлиш билан бир вақтда муайян мулкдаги иқтисодий муносабатлар марказларига айланди. Натижада катта – кичик савдо марказларида турли ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳалари гуркираб ривожланди. Шунингдек, ҳунармандчилик ва савдо марказлари моддий маданиятида ўзига хос анъаналар ҳам тараққий этди;

- Буюк Ипак йўли бўйлаб олиб борилган ҳар томонлама алоқалар турли ҳунармандчилик маҳсулотлари билан бир вақтда турли ҳудудларда ҳунармандчилик соҳаларида эришилган ютуқларнинг кенг ёйилишига замин яратди. Ўзга юртлардан келтирилган маҳсулотлар билан бирга ҳунармандчиликнинг технологик сирлари ҳам кириб келди. Хусусан, Хитойдан Суғдга, кейинчалик эса Яқин Шарқ мамлакатларига ипакчилик ва шойи матолар тўқимачилиги ҳамда қоғоз тайёрлаш, ўз навбатида Хитойга шишасозлик сирлари кириб борди;

- минтақада туркий сулолалар ҳукмронлигининг ўрнатилиши Суғднинг савдо – иқтисодий алоқалари ривожига замин яратди. Туркий хоқонлиги ва Суғд савдо аҳлининг муштарак манфаатлари эса Суғд ҳудудларида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши соҳаларининг ривож топишига ҳамда халқаро савдо – сотиқ ишларида юқори мавқе эгаллаган суғдий

савдогарларнинг илк ўрта асрлар даврида катта ютуқларни қўлга киритишига имкон яратди. Шу билан бирга, Суғд савдогарлари фаол савдо – иқтисодий алоқалар олиб бориш билан бир қаторда Суғд цивилизацияси ҳамда мазкур давр ижтимоий – маданий ютуқларининг кенг ёйилишида ҳам муҳим ўрин эгалладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият,2008.-176 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент.: Шарқ,1998.-32 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.-Тошкент.: Ўзбекистон,1995.-278 б.
4. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий – маънавий куч – қувват манбаи // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.-Тошкент.,2008. Т.8.-Б. 462-474.
5. Каримов И.А. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзланган нутқ // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.-Тошкент.,1998. Т.6.-Б. 368-373.
6. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар // Баркамол авлод орзуси.-Тошкент.,1999.-б. 113-126.
7. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулев таржимаси.-Тошкент.: Фан,1966. -120 б.
8. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи.-Тошкент.: Шарқ,2007.-232 б.
9. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Б.Ўрдабекли ва А.Айритомий таржимаси.-Тошкент: Фан,2007.-500 б.
- 10.Джуракулов М. Д.,Мамедов Э.Д. Геология археологических памятников Зеравшана.-Тошкент: Укитувчи,1986.-138 с.
- 11.Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии.-М.: Наука,1985.-С.286.
- 12.Исҳоқов М.М. Сўғдиёна тарих чорраҳасида.-Тошкент: Фан,1990.-34 б.

- 13.Қаршиева Ф. Суғдиёна солномаси.-Тошкент,1987.- 32 б.
- 14.Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари.-Тошкент: Академия,2008.-432 б.
- 15.Мусаев Н. Ўрта Осиёда дехқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан.-Тошкент, 2005.- 136 б.
- 16.Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи.- Тошкент: Фан,1972.-375 б.
- 17.Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар –Тошкент: УзМЭ,2007.-279 б.
- 18.Хўжаев А. Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши.- Тошкент,2001.-39 б.
- 19.Шаҳрисабз. Минг йиллар мероси. Альбом.-Тошкент.: Шарқ,2002.- 322 б.
- 20.Янгибоев М. Қашқадарё вилоят географияси.-Қарши,1993.-24 б.

КИРИШ	3-5
--------------------	------------

1 БОБ. V-VII АСРЛАРДА СУҒДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

1.1. Суғд ҳунармандчилиги ва савдо – иқтисодий алоқаларига доир ёзма манбалар тавсифи	6-11
1.2. Суғдда ҳунармандчилик ривожининг омиллари ва хусусиятлари	11-18
1.3. Суғдда ҳунармандчилик маҳсулотлари турлари.....	18-26

2 БОБ. СУҒДА ИЧКИ САВДО-СОТИҚ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2.1. Ички савдодаги пул муомаласи ва товар – пул муносабатлари	27-31
2.2. Суғдга олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар таснифи	32-38
2.3. Савдо – транзит йўллари ва ташқи иқтисодий алоқалар ривожи	38-43

III-БОБ: “V-VII АСРДА СУҒДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО СОТИҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ” мавзусини ўрганиш усуллари

3.1.V-VII асрда суғдда ҳунармандчилик ва савдо сотиқнинг ривожланиши.....	44-49
--	-------

ХУЛОСА	50-53
---------------------	--------------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	54-55
---	--------------